Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 246 (6883). ● 20 декабрь, 1978 йил ЧОРШАНБА ● Баҳоси 2 тийин.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси, Совет Иттифоқи Маршали, икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони ўртоқ Леонид Ильич БРЕЖНЕВни Ленин ордени ва учинчи «Олтин Юлдуз» медали билан мукофотлаш тўғрисида



Улуғ Ватан уруши йилларида ва урушдан кейинги даврда Совет Иттифоқининг иқтисодий ва мудофаа қудратини мустаҳкамлашда Коммунистик партия ва Совет давлати олдидаги буюк хизматлари учун, тинчлик йўлидаги курашда тинимсиз меҳнати учун ва туғилган куни муносабати билан КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси, Совет Иттифоқи Маршали, икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони ўртоқ Леонид Ильич **Брежнев Ленин** ордени ва **учинчи «Олтин Юлдуз»** медали билан мукофотлансин.

СССР Олий Совети Президиуми Раисининг биринчи ўринбосари В. КУЗНЕЦОВ.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль. 1978 йил, 19 декабрь.

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ ТЎҒРИСИДА ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

1978 йил 19 декабрда Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг XI пленуми бўлиб ўтди.

«КПСС Марказий Комитети 1978 йил ноябрь Пленумининг якунлари ҳамда республика партия ташкилотининг шу Пленум қарорларидан ва КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг Пленумда сўзлаган нутқидан келиб чиқадиган вазифалари тўғрисида» КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Ш. Р. Рашидов доклад қилди.

Пленум Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, республика Госплани раиси ўртоқ Қ. А. Аҳмедовнинг «Ўзбекистон ССРни 1979 йилда иқтисодий ва соцнал ривожлантириш Давлат плани тўғрисида»ги ва Ўзбекистон ССР молия министри ўртоқ В. Муродхўжаевнинг «Ўзбекистон ССРнинг 1979 йилги Давлат бюджети тўғрисида ва Ўзбекистон ССРнинг 1977 йилги Давлат бюджетининг ижроси ҳақида»ги докладларини ҳам тингланди.

Шу докладлар юзасидан музокараларда: Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари М. М. Мусахонов, Сирдарё область партия комитетининг биринчи секретари В. А. Хайдуров, Ўзбекистон ССР енгил саноат министри М. Х. Қурбонов, Тошкент шаҳар партия комитетининг иккинчи секретари К. П. Дудин, Сурхондарё область партия комитетининг биринчи секретари А. К. Каримов, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советининг Раиси Е. Айтмуратов, Андижон область Бўз районидаги «Партия XX съезди» совхози пахтачилик бригадасининг бошлиғи А. Солиев, Олмалиқ кон-металлургия комбинатининг директори М. Рамазонов, «Джизакстепстрой» бошқармасининг бошлиғи П. Х. Кан, Иштихон район партия комитетининг биринчи секретари М. Жўраев сўзга чиқдилар.

Пленум «КПСС Марказий Комитети 1978 йил июль Пленуми талаблари ва КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг йўл-йўриқлари асосида чорвачиликни янада ривожлантириш юзасидан Ўзбекистон партия ташкилотининг вазифалари» тўғрисида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Й. Р. Қурбонов докладини ҳам тинглаб, муҳокама қилди.

Бу масалани муҳокама қилишда Қорақалпоғистон область партия комитетининг биринчи секретари Қ. Камолов, Самарқанд область партия комитетининг биринчи секретари Б. Р. Раҳимов, Қашқадарё область партия комитетининг биринчи секретари Р. Ғ. Ғойибов, Қува район партия комитетининг биринчи секретари М. Ш. Шербўтаев, Сирдарё область партия комитетининг секретари И. С. Умаров, «Узптицепром» бошлиғи Б. А. Пискунов, Сариосиё районидаги «Коммунизм» совхозининг директори Б. Омонов, Тошкент районидаги «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» колхозининг сут соғувчиси М. Исоқова, Томди районидаги «Авангард» қорақўлчилик совхозининг директори Ж. Дўнаев, Ўзбекистон ССР Балиқ хўжалиги давлат комитетининг раиси А. У. Маҳмудов, Самарқанд районидаги Улуғбек номли хўжаликлараро чорвачилик бирлашмасининг директори Г. Д. Кан, «Ўзбекбирлашув» раиси М. Ҳ. Ҳасанов сўзга чиқдилар.

Пленум ташкилий масалаларни кўриб чиқди. Пленум Н. М. Матчоновнинг бетоблиги сабабли ва унинг илтимосига биноан уни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюроси аъзолиги вазифасидан озод қилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми И. Б. Усмонхўжаевни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзоси қилиб сайлади.

Пленум А. А. Хўжаевни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари қилиб сайлади.

Г. М. Орлов бошқа ишга ўтиши муносабати билан пленум уни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ташкилий-партиявий ишлар бўлимининг мудири вазифасидан озод қилди. Пленум В. В. Окунскийни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг ташкилий-партиявий ишлар бўлими мудири қилиб тасдиқлади.

Э. Б. Нордман республикадан бошқа жойга ишга кетганлиги сабабли пленум уни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бюро аъзолигига кандидатлик вазифасидан озод қилди.

Пленум Н. Р. Ражабов бошқа ишга ўтиши муносабати билан уни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети қурилиш ва шаҳар хўжалиги бўлимининг мудири вазифасидан озод қилди.

Пленумда ўртоқ Ш. Р. Рашидов якунловчи нутқ сўзлади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленумини муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилди.

ЎРТОҚ Л. И. БРЕЖНЕВГА ВАТАННИНГ ОЛИЙ МУКОФОТИ ТОПШИРИЛДИ

19 декабрь куни Кремлда КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневга Ватаннинг олий мукофоти — Ленин ордени ва Совет Иттифоқи Қаҳрамонининг учинчи «Олтин Юлдуз» медали тантанали вазиятда топширилди.

Ўртоқ Л. И. Брежневга мукофотни СССР Олий Совети Президиумининг топшируви-га биноан КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари М. А. Суслов топширди.

Мукофот топшириш вақтида Ю. В. Андропов, В. В. Гришин, А. А. Громико, А. П. Кириленко, А. Н. Косигин, А. Я. Пельше, Д. Ф. Устинов, К. У. Черненко, П. Н. Демичев, В. В. Кузнецов, П. М. Машеров, Б. Н. Пономарев, Н. А. Тихонов, И. В. Капитонов, В. И. Долгих, М. В. Зимянин, Я. П. Рябов, К. В. Русаков, М. С. Горбачев ўртоқлар, шунингдек СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари М. Холов, СССР Олий Совети палаталарининг раислари А. П. Шитиков, В. П. Рубен, СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. П. Георгадзе, КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг ёрдамчилари А. М. Александров, А. И. Блатов, КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг референти Е. М. Самотейкин ҳозир бўлдилар.

Ўртоқ М. А. Суслов Ватаннинг олий мукофотларини топшириб, бундай деди:

Ўртоқ М. А. СУСЛОВ нутқи

Азиз Леонид Ильич!

Азиз ўртоқлар!

Леонид Ильич, бугун биз бутун партия билан, бутун совет халқи билан бирга Сизнинг туғилган кунингизни нишонлаяпмиз.

СССР Олий Совети Президиуми Улуғ Ватан уруши йилларида ва урушдан кейинги даврда Совет Иттифоқининг иқтисодий ва мудофаа қудратини мустаҳкамлашда Коммунистик партия ва Совет давлати олдидаги буюк хизматларингизни нишонлаб, тинчлик учун курашдаги тинимсиз меҳнатингиз учун ва туғилган кунингиз муносабати билан Сизни Ватанимизнинг олий мукофоти — Ленин ордени ва Совет Иттифоқи Қаҳрамонининг учинчи «Олтин Юлдуз» медали билан мукофотлади.

Совет халқи, социализм мамлакатларининг меҳнаткашлари, бутун тараққийпарвар дунё Сизни атоқли сиёсий ва давлат арбоби деб, тинчлик ва коммунизм иши учун оташин курашчи деб, улуғ Ленин ишининг саботли, содиқ давомчиси деб биладилар.

Ишчининг, партия ташкилотчисининг меҳнати, Улуғ Ватан уруши жангларидаги сиёсий ходимнинг, партия ва давлат арбобининг қаҳрамонона жасорати бўлган Сизнинг ҳаётингиз ва фаолиятингиз социалистик Ватанимизга фидокорона хизмат қилиш намунасидир.

Коммунистлар, бутун совет халқи партиямиз билан давлатимиздаги олий лавозимларни — КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси, мамлакат Мудофаа Кенгашининг Раиси лавозимларини Сизга ишониб топшириб, шу тариқа Сиз, азиз Леонид Ильичга ғоят юксак ишонч ва ҳурмат изҳор этдилар. 14 йилдирки, Сиз партиямизнинг ленинчи Марказий Комитетига, Марказий Комитетнинг Сиёсий бюросига бош бўлиб, шу ишончни шараф билан оқлаб келяпсиз, партиямиз билан халқимизнинг Ватанимиз иқтисодий ва ижтимоий тараққиёти йўлидаги, коммунизм ва тинчлик иши йўлидаги курашида раҳбар ва ташкилотчилик хос чуқур донишмандлик, буюк истеъдод намоён қиляпсиз.

Биз ривожланган социалистик жамият қурдик. Ватанимизнинг моддий ва маънавий кучлари барқ уриб яшнаб турибди. Совет халқи Ленин партияси теварагида мустаҳкам жипслашган. Ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар, халқ зиёлилари партия режаларини, XXV съезд қарорларини илҳом билан амалга оширмоқдалар. Совет Иттифоқи қардош халқларининг дўстлиги бузилмасдир. Фан, маориф, соғлиқни сақлаш, совет халқининг маданияти муваффақиятли ривожланмоқда, унинг фаровонлик даражаси муттасил ортмоқда. Партиямиз билан давлатимиз революцион ғалабаларимиз, ялпи тинчлик ва хавфсизлик посбони бўлган шавкатли СССР Қуролли Кучлари тўғрисида тинимсиз ғамхўрлик қилмоқдалар.

Совет халқи бутун дунё меҳнаткашларига революцион бунёдкорликнинг, инсониятни ҳамиша тўлқинлантириб келган ва тўлқинлантириб турган ижтимоий проблемаларни муваффақиятли ҳал этишнинг илҳомбахш намунасини кўрсатмоқда.

Азиз Леонид Ильич, бутун дунё Сизни Совет Иттифоқи ленинча тинчликсевар ташқи сиёсатининг ифодачиси ва раҳбари деб билади. Ана шу сиёсат туфайли Ватанимиз халқаро миқёсда зўр обрў-эътибор қозонди, Ер юзидаги барча тараққийпарвар, соф виждонли кишиларнинг ташаккурига сазовор бўлди.

Совет Иттифоқи социалистик ҳамдўстликдаги қардош мамлакатлар билан биргаликда халқлар тинчлиги ва хавфсизлиги ишини қаттиқ туриб изчиллик билан ҳимоя қилмоқда, янги жаҳон уруши хавфини тугатиш учун курашмоқда. СССР империалистик реакция ва агрессия кучларининг кирдикорларига кескин зарба бериб, қуролланиш пойгасини чеклаш учун ва қуролсизланиш учун, кескинликни юмшатишни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш учун, турли ижтимоий тузумдаги давлатларнинг тинч-тотув яшашидан иборат ленинча принципларни халқаро муносабатлардаги ҳамма эътироф этган норма сифатида қарор топтириш учун изчиллик билан курашмоқда.

Ватанимиз ҳозирги замон барча революцион-озодлик кучларининг, миллий озодлик ва мустақиллик, социал тараққиёт учун курашчиларнинг содиқ дўсти ва иттифоқчиси бўлиб майдонга чиқмоқда.

Азиз Леонид Ильич, Сиз КПСС Марказий Комитети билан Совет давлатининг совет халқи бунёдкорлик меҳнати учун тинч шароитларни таъминлаш соҳасидаги, ялпи тинчликни ва халқлар хавфсизлигини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятига изчиллик ва ғоят зўр куч-ғайрат билан бошчилик қиляпсиз. Бунинг учун совет кишилари ҳам, бутун ер куррасидаги софдил кишилар ҳам Сизга астойдил миннатдорчилик изҳор этадилар.

Ленин партияси ўзининг халқ оммаси билан мустаҳкам алоқаси, К. Маркс, Ф. Энгельс, В. И. Ленин улуғ таълимотига содиқлиги билан, революцион назарияни ижодий ишлаб чиқиши ва амалга ошириши билан кучлидир.

Азиз Леонид Ильич, Сизнинг бошчилигингизда партиямиз, унинг ленинчи Марказий Комитети, Марказий Комитетнинг Сиёсий бюроси ҳозирги ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий жараёнларни чуқур анализ қилиш, жамият ривожи тенденцияларини ўрганиш, ички ва ташқи сиёсий йўлни ишлаб чиқиш соҳасида буюк коллектив ишни тинимсиз олиб бормоқдалар.

Азиз Леонид Ильич, Сиз партиянинг, партия Марказий Комитетининг мана шу самарали фаолиятига жуда катта ижодий ҳисса қўшяпсиз. Сизнинг асарларингиз коммунистларни ва барча меҳнаткашларни коммунизм йўлидаги курашимиз истиқболлари ва вазифаларини яхши тушуниш билан қуроллантирадиган чуқур назарий ва ғоявий мазмунга тўлиқ.

Азиз Леонид Ильич, биз барча коммунистлар, ҳамма совет кишилари қатори Сиз билан бирга ишлар эканмиз, Сизнинг ғоят инсоний дилкашлигингизни кун сайин сезиб турибмиз, Сизнинг бутун кучини партия билан халқ хизматига бағишлаган инсоннинг ажойиб тимсоли, меҳрибон ва принципиал, одамларга сезгир ва ғамхўр ленинчи коммунист намунаси эканингизни кўриб турибмиз.

Биз барча коммунистлар, ҳамма совет кишилари билан биргаликда Сизни туғилган кунингиз билан, Ватаннинг улуғвор мукофоти билан астойдил ва қизғин табриклаймиз. Партиямиз билан халқимизнинг бахт-саодати йўлидаги, коммунизм ва тинчлик идеалларининг тантанаси йўлидаги бутун самарали фаолиятингизда Сизга чин кўнгилдан сиҳат-саломатлик, бахт-саодат ва янгидан-янги катта муваффақиятлар тилаймиз!

* * *

Ўртоқ М. А. Суслов Леонид Ильич Брежневга Ленин ордени билан учинчи «Олтин Юлдуз» медалини гулдурос қарсаклар остида топширди.

Ўртоқ Л. И. Брежнев жавоб нутқи сўзлади.

Ўртоқ Л. И. БРЕЖНЕВ нутқи

Азиз ўртоқлар ва дўстлар!

Бугун, туғилган кунимда мени Ленин ордени ва Совет Иттифоқи Қаҳрамонининг учинчи «Олтин Юлдуз» медали билан мукофотлаш тўғрисида партиямиз билан давлатимизнинг раҳбар органлари қарорини астойдил миннатдорчилик билан тўлқинланиб, кутиб олдим. Менинг Ватан бахт-саодати йўлидаги, совет халқининг фаровонлиги йўлидаги меҳнатларимга юксак баҳо берилганлигидан ва бу ерда Михаил Андреевич айтган самимий сўзлардан таъсирландим.

Мен ўз календаримда раҳбар партия ва совет ишида бўлишимнинг 40 йиллигини яқиндагина нишонлаганим иноватга олинса, босиб ўтилган йўлни бирон бир тарзда умумлаштириш ва баҳолаш учун материал бор деса бўлади.

Яқинда мен ажнабий бир ўртоқ билан суҳбатда менинг қалбимга жуда яқин бўлиб қолган ва яқин бўлиб қолаверадиган, мени доимо ўйлантириб келган ва ўйлантираверадиган икки нарса бор, буларнинг биринчиси халқнинг нони бўлса, иккинчиси Ватаннинг хавфсизлигидир, деган гапни ошкора айтдим.

Мен ўз ҳаётим давомида мамлакат ёппасига вайронгарчиликка учраган замонларнинг миллион-миллион кишилар очлик ва совуқда қолишдек қулфатли уқубатларни бошидан кечирган замонларнинг шоҳиди бўлганман. Шонли Армиямиз билан бирга Улуғ Ватан уруши алангасидан ўтиб, бизнинг тинч социалистик диёримизга агрессор келтирган ажал ва дўзах азобини, ёнғинлар ва вайроналикларни ҳам ўз кўзим билан кўрганман.

Ана шуларни кўрар эканман, бу қулфатлар ортиқ такрорланмаслиги, партиямизнинг ленинча сиёсати — халқнинг турмуш даражасини мутасил ошириш, мамлакат тинчлиги ва хавфсизлигини таъминлаш, бахтиёр коммунистик келажагимизни қуриш сиёсати тўла ғалаба қозонишн учун қурбим етган ҳамма ишни қиламан, деб дилимга тугиб қўйганман.

Мана энди, дилимдаги ана шу ниятни партия билан халқ менга ишониб топширган юқори лавозимларда рўёбга чиқариш учун қўлимдан келганча ҳаракат қиламан.

Бугун ҳам менинг бундан юксакроқ мақсадларим йўқ.

Бугун ҳам мен совет кишилари осойишта ва тобора фаровон турмуш кечиришлари учун, янги урушга йўл қўймасликни бош мақсад қилиб олган Совет Иттифоқи мудофаасини ишончли ва енгилмас бўлиши учун, Совет давлатининг ташқи сиёсати — тинчлик ва тараққиёт сиёсати, барча давлатларнинг ҳамкорлиги сиёсати, халқлар ўртасида дўстлик сиёсати янги-янги ғалабаларга эришаверишн учун ўзимга боғлиқ бўлган ҳамма ишни қиляпман ва бундан буён ҳам қилаверараман.

Ўртоқлар, бугун менга топширилган мукофотга берадиган жавобим шу.

Сизларга яна бир карра кўпдан-кўп раҳмат.

* * *

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолари, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидатлар, КПСС Марказий Комитетининг секретарлари, бошқа партия ва давлат арбоблари Леонид Ильич Брежневни Ватаннинг юксак мукофоти билан ва туғилган куни билан сидқидилдан, самимий муборакбод этдилар. Улар Леонид Ильичга социалистик Ватаннинг равнақи, мамлакатимизда коммунистик жамият қуриш, марксизм-ленинизм ғояларининг тантанаси йўлидаги, ер юзида мустаҳкам тинчлик йўлидаги фаолиятида янгидан-янги самарали ишлар тиладилар.

Ўртоқ Л. И. Брежнев қутловлар учун самимий миннатдорчилик изҳор этди.

(ТАСС).

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ 1978 ЙИЛ НОЯБРЬ ПЛЕНУМИНИНГ ЯКУНЛАРИ ҲАМДА РЕСПУБЛИКА ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИНИНГ ПЛЕНУМ ҚАРОРЛАРИДАН ВА КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ БОШ СЕКРЕТАРИ, СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ РАИСИ ЎРТОҚ Л. И. БРЕЖНЕВНИНГ ШУ ПЛЕНУМДА СЎЗЛАГАН НУТҚИДАН КЕЛИБ ЧИҚАДИГАН ВАЗИФАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ XI ПЛЕНУМИНИНГ ҚАРОРИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми «КПСС Марказий Комитети 1978 йил ноябрь Пленумининг якунлари ҳамда республика партия ташкилотининг Пленум қарорларидан ва КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг шу Пленумда сўзлаган нутқидан келиб чиқадиган вазифалари» тўғрисида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Ш. Р. Рашидовнинг докладини тинглаб ва муҳокама қилиб, зўр мамнуният билан шуни таъкидлайдики: КПСС Марказий Комитети Пленумининг қарори, ўртоқ Л. И. Брежневнинг ёркин, сермазмун, ленинча доно нутқи сафарбар қилувчи жуда катта кучга эга бўлган энг муҳим сиёсий ҳужжатлардир. Бу ҳужжатлар коммунистларни, барча меҳнаткашларни илҳомлантиради, уларни иқтисодий ва социал қурилишнинг асосий, стратегик йўналишларида жанговар ҳаракат программаси билан қуроллантиради. Бу ҳужжатлар сиёсий активлик ва меҳнат ғайратини янада кучайтириб юборди, КПСС XXV съездининг қарорларини бажариш учун курашда ғайратшижоат, қудратли куч бахш этди.

Республикада беш йиллик учинчи йилининг ўтган давридаги пландан ташқари 300 миллион сўмга яқин саноат маҳсулоти реализацця қилинди. Капитал қурилишда сезиларли силжишлар рўй берди. Ўзбекистон пахтакорлари, республиканинг барча меҳнаткашлари ўзларининг Ватан олдидаги ватанпарварлик ва интернационал бурчини бажариб, жуда оғир келган об-ҳаво шароитида ҳақиқатан ҳам буюк жасорат кўрсатдилар — пахта тайёрлаш планини шараф билан ошириб бажардилар, давлатга 5 миллион 510 минг тоннадан зиёд «оқ олтин» топширдилар.

Пленум КПСС Марказий Комитети 1978 йил ноябрь Пленумининг қарорларини, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг нутқида баён этилган хулосалар, йўл-йўриқлар ва амалий вазифаларни тўла-тўкис маъқуллаб, оғишмай бажариш учун дастур деб қабул қилади.

Пленум ҳар бир меҳнат коллективи, ҳар бир район, шаҳар, областнинг ва умуман республиканинг 1979 йил топшириқларини бажарибгина қолмай, шу билан бирга ошириб бажаришни ҳам таъминлаш — Ўзбекистон партия, совет, хўжалик, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг асосий вазифаси, деб ҳисоблайди.

Область, шаҳар ва район партия комитетлари, министрликлар ва идоралар, бошланғич партия ташкилотлари КПСС Марказий Комитети 1978 йил ноябрь Пленуми ҳужжатлари асосида иқтисодий ва социал тараққиётнинг асосий вазифаларини бажариш, бошқаришни такомиллаштириб, бутун ишимизнинг самарадорлиги ва сифатини ошириш юзасидан конкрет тадбирларни ишлаб чиқишлари ва амалга оширишлари. Меҳнат коллективларининг куч-ғайрати иқтисодий ривожланишнинг интенсив омилларидан тўлароқ фойдаланишга — саноатнинг барча соҳаларида, транспортда, капитал қурилишда, қишлоқ хўжалигида фан-техника тараққиётини жадаллаштиришга, меҳнат унумдорлигини оширишга, ташаббус, новаторликни, ихтирочилар ва рационализаторлар фаолиятини бутун чоралар билан рағбатлантиришга, сарф-харажатларни ғоят қисқартириб, маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва унинг техникавий даражасини юксалтириш учун мавжуд катта резервлар ва имкониятларни ишга солишга сафарбар қилинсин.

Уринсиз нобудгарчиликни бутун чоралар билан қисқартириш, барча молиявий ва моддий-техника ресурсларидан, халқ хўжалигимиз эга бўлган ҳамма нарсалардан

(Давоми иккинчи бетда).

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ XI ПЛЕНУМИНИНГ ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН ССРНИ ИҚТИСОДИЙ ВА СОЦИАЛ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ 1979 ЙИЛГИ ДАВЛАТ ПЛАНИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССРНИНГ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ЛОЙИҲАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1979 йилги Давлат плани ва Ўзбекистон ССРнинг Давлат бюджети лойиҳаси асосан маъқуллансин.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ана шу лойиҳаларни Ўзбекистон ССР Олий Советининг муҳокамасига тақдим этсин.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ САККИЗИНЧИ СЕССИЯСИНИНГ ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Тўққизинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг саккизинчи сессияси бугун, 20 декабрь соат 10 да Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Мажлислар залида очилади.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутатлари соат 9 дан бошлаб Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Мажлислар залида рўйхатга олинади.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ОҚСОҚОЛЛАР КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Оқсоқоллар кенгашининг мажлиси бугун, 20 декабрь соат 9 дан 30 минут ўтганда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Мажлислар залида бўлади.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ ВА СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДАН

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, СССР Олий Советининг депутати, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ленин мукофоти ва СССР Давлат мукофотининг лауреати, СССР мудофаа саноати министри Сергей Алексеевич Зверев 1978 йил 17 декабрда 67 ёшида вафот этганлигини чуқур қайғу билан маълум қиладилар.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ — СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ — СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ

КРЕМЛДА ҚАБУЛ

19 декабрда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев Англия — Америка «Пергамон пресс» нашриёт корпорациясининг Москвага келган президенти Р. Максвеллни унинг илтимосига биноан қабул қилди.

Р. Максвелл ўртоқ Л. И. Брежневнинг кўни кеча инглиз тилида босилиб чиққан «Тинчлик — халқларнинг бебаҳо бойлиги». «Кичик ер» ва «Тикланиш» китобларининг авторлик нусхаларини топширди.

С вет Иттифоқи, деди ўртоқ Л. И. Брежнев, халқлар ўртасидаги муносабатларни китоб ёрдамида кенгайтириш ва тинчликни мустаҳкамлашга ёрдам бериш.

Суҳбатда КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг ёрдамчиси А. И. Блатов ва Бутуниттифоқ авторлик ҳуқуқи агентлиги правлениесининг раиси Б. Д. Панкин ҳозир бўлдилар.

(ТАСС).

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ 1978 ЙИЛ НОЯБРЬ ПЛЕНУМИНИНГ ЯКУНЛАРИ ҲАМДА РЕСПУБЛИКА ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИНИНГ ПЛЕНУМ ҚАРОРЛАРИДАН ВА КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ БОШ СЕКРЕТАРИ, СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ РАИСИ ЎРТОҚ Л. И. БРЕЖНЕВНИНГ ШУ ПЛЕНУМДА СЎЗЛАГАН НУТҚИДАН КЕЛИБ ЧИҚАДИГАН ВАЗИФАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Боши биринчи бетда).

энг оқилона фойдаланишга эришиш — партия, совет, хўжалик ташкилотларининг бурчидир. Ҳар бир ишлаб чиқариш коллективида, ҳар бир иш жойида тежамкорликни изчиллик билан пухта амалга ошириш жуда муҳимдир. В. И. Ленининг тежамкорлик — коммунистларга хос ҳислатдир, деган сўзларини доим эсда тутиш зарур.

Қурилиш программасини бажариш учун жавобгар бўлган Ўзбекистон ССР Госплани, республика Госстрой, министрликлар ва идоралар, партия ва совет органлари капитал қурилишдаги ишларни яхшилаш учун қатъий чораларни кўрсинлар. Янги ишлаб чиқариш қувватларини, уй-жойларни, маданий-маиший объектларни ўз вақтида ишга тушириш таъминлансин. Зарур бўлган куч ва маблағлар шу объектларга жамлансин, битказилмаган қурилиш ҳажми доим қисқартириб борилсин, янги ерлар комплекс тарзда ўзлаштирилсин.

КПСС Марказий Комитетя 1978 йил июль Пленумининг қарорларига асосланиб, пахтачиликни янада юксалтириш, чорвачиликни ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришнинг бошқа тармоқларини ривожлантириш юзасидан ишлаб чиқилган тадбирлар қунт билан амалга оширилсин. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини асраш учун масъулият кучайтирилсин, бу маҳсулотни асраш ва қайта ишлашнинг моддий базаси бутун чоралар билан мустаҳкамлансин.

Экономиканинг сифат даражасини янада юксалтириш учун хўжалик юритиш ва бошқариш методлари такомиллаштирилсин, ҳар бир корхонанинг, ҳар бир хўжаликнинг, ҳар бир қурилиш ташкилотининг ишида уюшқоқлик ва пухталик оширилсин. Партия, совет, хўжалик органлари давлат, план ва меҳнат интизомига қаттиқ риоя қилиниши устидан контролни кучайтирсинлар. Тартиб ва уюшқоқлик, бир маромда ишлаш, планни ва социалистик мажбуриятларни сўзсиз бажариш—меҳнат коллективлари учун ва раҳбарлар учун ҳам қатъий қонун бўлиб қолиши керак.

Кишиларни коммунистик руҳда тарбиялашнинг таъсирчан воситаси бўлмиш социалистик мусобақа ривожлантирилсин ва кучайтирилсин. Новаторларнинг ташаббуси сабот-матонат билан кенг ёйилсин, сифат кўрсаткичларини яхшилаш тўғрисида доимо гамхўрлик қилинсин. Партия, касаба союз, комсомол, хўжалик ташкилотларининг куч-ғайрати ишлаб чиқариш коллективларида ижодий иш муҳитини вужудга келтиришга қаратилсин. Бундай шароитда меҳнаткашлар ўз қобилиятларини тўлиқ рўёбга чиқара олсинлар, ўзининг шахсий меҳнати натижалари учун, шунингдек бутун коллективнинг меҳнати натижалари учун юксак масъулиятни ҳис этсинлар.

Область, шаҳар, район партия комитетлари кадрлар билан ишлашни такомиллаштирсинлар, партия, давлат ва хўжалик аппаратининг барча бўғинларида уюшқоқлик ҳамда масъулиятни оширишга эришсинлар. Камчиликларга қарши қаттиқ кураш олиб борилсин, кадрларнинг тошириллган иш учун шахсий жавобгарлиги кучайтирилсин. Қабул қилинадиган қарорларнинг савияси оширилсин ва бу қарорларни бажариш устидан назорат кучайтирилсин. Ташкилотчилик иши ва оммавий-сиёсий иш ғоят конкрет, ишчанлик руҳида ва оператив равишда олиб борилсин. Бошланғич партия ташкилотларининг жанговарлик қобилияти, навбатдаги хўжалик ва ғоявий-тарбиявий вазифаларни ҳал этишда коммунистларнинг авангардлик роли оширилсин. Қилинган иш натижаларига ҳар томонлама танқидий баҳо бериб, кадрларни тарбиялашнинг энг муҳим воситаси бўлган танқид ва ўз-ўзини танқидни дадил ривожлантириш зарур. Партия ташкилотлари олдида турган вазифаларнинг мураккаб комплекси ҳал этилсин, партия ташкилотларининг ҳозирги вақтда ўтказилаётган ҳисобот-сайлов конференциялари коммунистларнинг куч-ғайрати сарф этилиши лозим бўлган асосий ишларни белгилаб берсин.

Ўртоқ Л. И. Брежневнинг йўл-йўриқлари ва тавсиялари асосида бутун идеология иши кучайтирилсин. Шу мақсадда область, шаҳар, район партия комитетлари меҳнаткашларни ғоявий-сиёсий жиҳатдан тарбиялаш сифати ва самарадорлигини оширишга, унинг форма ва методларини такомиллаштиришга қаратилган конкрет тадбирларни ишлаб чиқсинлар.

Партия ташкилотлари, матбуот, телевидение ва радио КПСС Марказий Комитети 1978 йил ноябрь Пленумининг ва СССР Олий Совети ўнинчи сессиясининг материалларини омма ўртасида пропаганда қилиш ва чуқур тушунтиришни таъминласинлар. Меҳнаткашларни коммунистик ахлоқ руҳида, халқларнинг бузилмас дўстлиги ва пролетар интернационализми руҳида тарбиялашни кучайтириш учун бу ишдан ҳар томонлама фойдаланилсин.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми КПСС Марказий Комитетини, Марказий Комитет Сиёсий бюросини, шахсан КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневни ишончириб айтадики, республиканинг коммунистлари, барча меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитети 1978 йил ноябрь Пленумининг қарорларига амал қилиб, СССР халқларининг ягона қардошлик оиласида 1979 йил планини ва умуман беш йиллик планларини шараф билан бажариш учун бутун куч-ғайратларини сарфлайдилар.

Сергей Алексеевич ЗВЕРЕВ

Совет саноати оғир жудоликка учради.

Мудофаа саноатининг йирик ташкилотчиси, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, СССР Олий Советининг депутати, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ленин мукофоти ва СССР Давлат мукофоти лауреати, СССР мудофаа саноати министри Сергей Алексеевич Зверев 1978 йил 17 декабрда 67 ёшида вафот этди.

Сергей Алексеевич Зверев 1912 йил 18 октябрда Новгород область, Демянск районининг Софронково қишлоғида ишчи оиласида туғилди.

У ўзининг меҳнат фаолиятини 1930 йилда Ленинград шаҳридаги заводда ишчи сифатида бошлади. С. А. Зверев Ленинграддаги аниқ механика ва оптика институтини битириб чиққанидан кейин 1936 йилдан 1940 йилгача шу тармоқ заводида инженер-конструктор, техника бўлимининг бошлиғи, бош технолог бўлиб ишлади. У 1940 йилдан то 1947 йилгача мудофаа саноатининг бир қанча заводларида бош инженер бўлиб ишлади. С. А. Зверев 1947 йилда министрликнинг марказий аппаратида ишлаш учун кўтарилди. Сергей Алексеевич бу аппаратда бош инженер, бош бошқармаларнинг бошлиғи, министр ўринбосари, министрнинг биринчи ўринбосари бўлиб ишлади.

С. А. Зверев 1963 йилдан бошлаб ҳаётининг охирги кунларигача СССР мудофаа саноати министри эди.

Сергей Алексеевич Зверев ўз фаолиятининг ҳамма лавозимларида саноат ташкилотчисига хос буюк истеъдодга эга бўлиб, техника соҳасида зўр заковат соҳиби эди, кишиларга нисбатан сезгир ва эътиборли муносабатни бирга қўшиб олиб борган, юксак партиявий принципиалликни мужассамлаштирган ва талабчан киши эди. Янгилик, илғорликни ҳис этиш С. А. Зверевга хос хусусият эди, у энг янги илмий-техникавий йўналишларни, илмий-конструкторлик ташкилотларини ривожлантиришга, кадрларни тарбиялашга доим эътибор берар эди.

С. А. Зверев ҳормай-толмай бажарган ижодий ишлари билан мудофаа саноатини ривожлантиришга, замонавий қурол-яроғларнинг янги турларини, ҳарбий техникани вужудга келтиришнинг мураккаб илмий-техникавий проблемаларини ҳал этишга ва мамлакат Қуролли Кучларини улар билан таъминлашга катта ҳисса қўшди.

С. А. Зверев 1942 йилдан буён КПСС аъзоси. У КПСС нинг XXIII, XXIV ва XXV съездларида КПСС Марказий Комитетининг аъзоси қилиб сайланди. 1966 йилдан буён СССР Олий Советининг депутатлигига сайланиб келди.

Партия ва ҳукумат С. А. Зверевнинг Ватан олдидаги хизматларини юксак баҳолаб, унга Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвонини берди ва уни 6 Ленин ордени, иккита Меҳнат Қизил Байроқ ордени, I даражали Ватан уруши ордени, Қизил Юлдуз ордени, «Ҳурмат белгиси» ордени ва кўп медаллар билан мукофотлади.

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг содиқ фарзанди, ўзининг бутун ҳаётини Ватанга хизмат қилишга, унинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлашга бағишлаган Сергей Алексеевич Зверевнинг порлоқ хотираси қалбларимизда абадий сақланиб қолади.

Л. И. Брежнев, Ю. В. Андропов, В. В. Гришин, А. А. Громыко, А. П. Кириленко, А. Н. Косыгин, Д. А. Кунаев, А. Я. Пельше, Г. В. Романов, М. А. Суслов, Д. Ф. Устинов, К. У. Черненко, В. В. Шчербицкий, Г. А. Алиев, П. Н. Демичев, В. В. Кузнецов, П. М. Машеров, Б. Н. Пономарев, Ш. Р. Рашидов, М. С. Соломенцев, Н. А. Тихонов, Э. А. Шеварднадзе, И. В. Капитонов, В. И. Долгих, М. В. Зимянин, Я. П. Рябов, К. В. Русанов, М. С. Горбачев, И. В. Архипов, Н. К. Байбаков, В. Э. Дымшиц, К. Ф. Катушев, В. А. Кириллин, Т. Я. Киселев, М. А. Лесечко, Н. В. Мартинов, В. Н. Новиков, З. Н. Нуриев, Л. В. Смирнов, А. П. Александров, И. Д. Сербин, М. П. Георгадзе, А. И. Шибаев, С. А. Афанасьев, В. В. Бахирев, Б. П. Бугаев, М. В. Егоров, В. А. Казаков, Э. К. Первишин, П. С. Плешаков, Е. П. Славский, А. И. Шокин, В. Ф. Гарбузов, А. К. Антонов, Б. В. Банин, В. Ф. Жигалин, Г. А. Караваев, В. В. Кротов, К. Н. Руднев, В. С. Федоров, П. В. Финогенов, Г. А. Титов, Н. В. Огарков, С. Л. Соколов, В. Г. Куликов, А. А. Епишев, В. Ф. Толубко, И. Г. Павловский, П. С. Кутахов, С. Г. Горшков, А. И. Колдунов, С. К. Куркоткин, Н. Н. Алексеев, В. М. Шабанов, В. И. Конотоп, Л. А. Борисов, В. Ф. Промыслов, М. С. Смирнютнов, Н. С. Строев, Л. А. Воронин, И. П. Корницкий, В. И. Курушин, О. Ф. Ларченко, Л. С. Мочалин, П. Н. Руданов, В. П. Финогеев, Н. Г. Виноградов, В. Б. Калабин, И. В. Ковржижин, Ю. Д. Маслюков, В. Я. Нежлутко, А. А. Почерников, В. Н. Сучков, В. П. Царев, И. А. Шарапов, В. А. Шчукин, С. В. Романенко, В. И. Лапшин.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИГА САЙЛОВ ЎТКАЗУВЧИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИ СОСТАВИГА ВАКИЛЛАР КЎРСАТИЛМОҚДА

18 декабрь куни мамлакатда ўнинчи чақириқ СССР Олий Советига сайлов ўтказувчи Марказий сайлов комиссияси составига вакиллар кўрсатила бошланди.

Москва область, Серпухов районидаги «Заокский» совхозининг ишчилари, қишлоқ хўжалик мутахассислари ва хизматчилари Марказий сайлов комиссиясига ўз вакилини кўрсатмоқ учун эрталаб йиғилишди.

Йиғилишни совхоз партия комитетининг секретари Г. И. Лавров очди. У хўжалик директори В. М. Чуркинга сўз берди. В. М. Чуркин СССР Олий Советига сайлов ўтказувчи Марказий сайлов комиссияси составига сабзавоткорлик бригадасининг бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Г. И. Рибакована кўрсатишни таклиф қилди.

Нотиқ уни яхши мутахассис, ишлаб чиқаришнинг моҳир ташкилотчиси сифатида таърифлади. Унинг эришган муваффақиятлари СССР Давлат мукофоти билан тақдирланди. Пешқадам меҳнатчи зўр ташаббускорлик билан ижтимоий иш олиб бормоқда. У, КПСС Марказий ревизия комиссиясининг аъзосидир.

Сабзаоткорлик бригадасининг ходими Е. Б. Нарскина, хўжаликнинг бош агрономи В. К. Матюнин, совхоз комсомол комитетининг секретари З. Е. Чужакова Г. И. Рибакована комиссия составига кўрсатиш тўғрисидаги таклифни қўллаб-қувватладилар. Г. И. Рибакована СССР Олий Советига сайлов ўтказувчи Марказий сайлов комиссияси составига кўрсатиш ҳақида яқдиллик билан қарор қилди.

Рустави металлургия заводининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларининг умумий йиғилишида мартен цехининг пўлат эритувчиси, партиясиз З. Г. Дзнеладзе СССР Олий Советига сайлов ўтказувчи Марказий сайлов комиссияси составига вакил қилиб кўрсатилди.

Бутуниттифоқ касаба союзлари Марказий Совети президиумининг СССР Олий Советига сайлов ўтказувчи Марказий сайлов комиссияси составига вакил қилиб кўрсатилди.

Москвада маданият ходимлари касаба союзи Марказий Комитети президиумининг кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисни ана шу союз Марказий Комитетининг раиси М. В. Пашков очди. СССР Олий Советига сайлов ўтказувчи Марказий сайлов комиссияси составига вакиллар кўрсатиш тўғрисидаги масала кун тартибига қўйилган эди.

ССР Иттифоқи Давлат академик Малый театрининг артисти, СССР халқ артисти, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Е. Н. Гоголева КПСС Марказий Комитетининг секретари, КПСС Марказий Комитети ташкилий-партиявий ишлар бўлимининг мудири Н. В. Капитонови СССР Олий Советига сайлов ўтказувчи Марказий сайлов комиссияси составига кўрсатишни таклиф қилди.

Бутуниттифоқ Давлат академик Малый театрининг артисти, СССР халқ артисти, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Е. Н. Гоголева, КПСС Марказий Комитетининг секретари, КПСС Марказий Комитети ташкилий-партиявий ишлар бўлимининг мудири Н. В. Капитонови СССР Олий Советига сайлов ўтказувчи Марказий сайлов комиссияси составига кўрсатишни таклиф қилди.

Нотиқ уни яхши мутахассис, ишлаб чиқаришнинг моҳир ташкилотчиси сифатида таърифлади. Унинг эришган муваффақиятлари СССР Давлат мукофоти билан тақдирланди. Пешқадам меҳнатчи зўр ташаббускорлик билан ижтимоий иш олиб бормоқда. У, КПСС Марказий ревизия комиссиясининг аъзосидир.

Сабзаоткорлик бригадасининг ходими Е. Б. Нарскина, хўжаликнинг бош агрономи В. К. Матюнин, совхоз комсомол комитетининг секретари З. Е. Чужакова Г. И. Рибакована комиссия составига кўрсатиш тўғрисидаги таклифни қўллаб-қувватладилар. Г. И. Рибакована СССР Олий Советига сайлов ўтказувчи Марказий сайлов комиссияси составига кўрсатиш ҳақида яқдиллик билан қарор қабул қилинди.

СССР космонавтлар отрядидан СССР космонавт-учувчиси, Совет Иттифоқи Қаҳрамони В. В. Коваленок СССР Олий Советига сайлов ўтказувчи Марказий сайлов комиссияси составига вакил қилиб кўрсатилди.

Москвада маданият ходимлари касаба союзи Марказий Комитети президиумининг кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисни ана шу союз Марказий Комитетининг раиси М. В. Пашков очди. СССР Олий Советига сайлов ўтказувчи Марказий сайлов комиссияси составига вакиллар кўрсатиш тўғрисидаги масала кун тартибига қўйилган эди.

ССР Иттифоқи Давлат академик Малый театрининг артисти, СССР халқ артисти, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Е. Н. Гоголева КПСС Марказий Комитетининг секретари, КПСС Марказий Комитети ташкилий-партиявий ишлар бўлимининг мудири Н. В. Капитонови СССР Олий Советига сайлов ўтказувчи Марказий сайлов комиссияси составига вакил қилиб кўрсатиш таклиф қилди.

Бутуниттифоқ касаба союзлари Марказий Совети президиумининг СССР Олий Советига сайлов ўтказувчи Марказий сайлов комиссияси составига вакил қилиб кўрсатилди.

Латвия республика матлубот жамиятлари союзининг правлениеси союз правлениесининг раиси, Совет Иттифоқи Қаҳрамони И. А. Крумини Марказий сайлов комиссияси составига вакил қилиб кўрсатди.

ВЛКСМ Марказий Комитети бюросининг мажлисида ВЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари Б. Н. Пастухов Бутуниттифоқ Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзидан Марказий сайлов комиссияси составига вакил қилиб кўрсатилди.

Литва Компартиясининг 60 йиллиги номли колхоз меҳнатчилари ана шу хўжаликнинг сут соғувчиси, партиясиз М. В. Дваранаускенени ўнинчи чақириқ СССР Олий Советига сайлов ўтказувчи Марказий сайлов комиссиясига ўз вакили қилиб кўрсатдилар.

СССР Фанлар академиясининг вице-президенти, Москва Давлат университетининг ректори А. А. Логунов М. В. Ломоносов номидаги Москва Давлат университети студентлари ва ўқитувчилари коллективидан Марказий сайлов комиссияси составига вакил қилиб кўрсатилди.

СССР Ёзувчилар союзи правлениеси ёзувчи, союз правлениесининг секретари, «Литературная газета»нинг бош редактори, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони А. Б. Чаковскийни СССР Ёзувчилар союзидан Марказий сайлов комиссияси составига вакил қилиб кўрсатди.

Маориф, олий мактаб ва илмий муассасалар ходимлари касаба союзи Туркманистон республика комитетининг президиуми Мари областининг Кушка районидаги 2-ўрта мактабнинг рус тили ва адабиёти ўқитувчиси, партиясиз А. Оқиевани Марказий сайлов комиссияси составига вакил қилиб кўрсатди.

«Россия» Куйбишев ишлаб чиқариш бирлашмасининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари бирлашманинг директори, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Е. В. Шпаковани Марказий сайлов комиссияси составига ўз вакили этиб киритишга қарор қилди.

(ТАСС).

ПАРТИЯ РЕЖАЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

ОЛМАОТА, 18 декабрь. (ТАСС). Бугун Қозоғистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми КПСС Марказий Комитетининг 1978 йилги ноябрь Пленуми қарорларини ва ўртоқ Л. И. Брежневнинг шу Пленумда сўзлаган нутқида берган йўл-йўриқларини бажариш соҳасида республика партия ташкилоти олдида турган вазифаларни муҳокама қилди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Қозоғистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Д. А. Кунаевнинг доклади тингланди.

Пленум Қозоғистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1979 йилги Давлат плани ва республиканинг 1979 йилги Давлат бюджети лойиҳаларини кўриб чиқди ва асосан маъқуллади.

ЯНГИ ҒАЛАБАЛАР ЙЎЛИДА

ЕРЕВАН, 18 декабрь. (ТАСС). Бугун Арманистон республика партия активи йиғилишида ўртоқ Л. И. Брежневнинг «Кўрик» китоби қоидалари асосида партиявий-сиёсий ва хўжалиқ ишларини янада такомиллаштириш соҳасида партия ташкилотларининг вазифалари муҳокама қилинди.

Арманистон Компартияси Марказий Комитети биринчи секретари К. С. Демирчяннинг докладида ва сўзга чиққан нотиқларнинг нутқларида қуйидагилар таъкидлаб ўтилди: ўртоқ Л. И. Брежневнинг янги асари ҳаёт, партиявий тажриба дарслиги, совет халқининг қаҳрамонона анъаналари асосида тарбиялаш дарслигидир. Бу китобнинг мазмуни ҳозирги кундаги вазифалар билан бевосита боғлангандир.

Йиғилиш иштирокчилари Арманистон меҳнаткашлари КПСС XXV съезди, КПСС Марказий Комитетининг 1978 йил ноябрь Пленуми ўртага қўйган вазифаларни амалга ошириш учун бундан буён ҳам зўр ғайрат билан курашадилар, деб таъкидладилар.

«КОСМОС-1063» УЧИРИЛДИ

1978 йил 19 декабрь куни Совет Иттифоқида Ернинг навбатдаги сунъий йўлдоши «Космос-1063» учирилди.

Йўлдош ҳчига ўрнатилган илмий аппаратлар космик фазони тадқиқ қилиш учун мўлжаллангандир. Аппаратлар нормал ишлаб турибди. Координация-ҳисоблаш маркази олинаётган маълумотларни ишлаб чиқмоқда.

«АТОММАШ»НИНГ БИРИНЧИ НАВБАТИ ИШГА ТУШИРИЛДИ

ВОЛГОДОНСК (Ростов области). (ТАСС мухбири). «Атоммаш» қурувчилари коллективи атом электр станциялари учун уч миллион киловаттли реактор машина-ускуналари ишлаб чиқарувчи қувватлар барвақт фойдаланишга топширилганлиги тўғрисида рапорт берди. Шундай қилиб, атом реакторлари ишлаб чиқарувчи жаҳондаги катта заводнинг биринчи навбати ишга туширилди. КПСС XXV съездининг қарорида шу заводни қуриш кўзда тутилган. Завод қурила бошлаганидан бери 570 миллион сўмликдан ортиқ капитал маблағ ўзлаштирилди.

Бош корпуснинг 158 минг квадрат метр ишлаб чиқариш саҳнида энг янги машина-ускуналар, 90 тоннали деталларга ишлов берувчи кучли станоклар ўрнатилди. Бўйи беш қаватли уйга тенг келадиган рентген камераси қип-қизил бўлиб турибди. Бу камерада реактор корпусларини пайвандлаш сифати контрол қилинади.

Қурилиш ишлари билан бир маҳалда ишлатувчиларнинг 10 минг кишилик коллективи ўрнатилган агрегатларни созлаш ва уларни синаб кўришни ташкил қилди, дастлабки маҳсулот чиқарилишини таъминлади.

Ҳозир улкан атом энергетика машинасозлигининг иккинчи навбати жадал қурилмоқда.

Заводда митинг бўлиб ўтди. Митинг қатнашчилари КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневга меҳнат рапорти йўлладилар.

(ТАСС).

ПОКИСТОНДА НАШР ЭТИЛДИ

ИСЛОМОБОД. (ТАСС). Покистондаги «Пиплс паблишинг хауз» нашриёти КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев танланган асарлари икки томлигини урду тилида кўп нусхада босиб чиқарди. Тўпламга Л. И. Брежневнинг Совет Иттифоқи ички ва ташқи сиёсати масалаларига доир нутқлари ва мақолалари киритилган.

«Пиплс паблишинг хауз» нашриётининг директори Рауф Малик бундай деди: Л. И. Брежнев китобининг нашр этилишини Покистонда зўр қизиқиш билан кутиб олдилар. Бу китобда Совет давлати сиёсатининг энг асосий принциплари баён этилган. Л. И. Брежневнинг китоби халқларимиз ўртасидаги муносабатларни ривожлантириш ва мустаҳкамлашга қўшилган катта ҳиссадир.

ТИНЧЛИК ВА ҲАМКОРЛИК МАНФААТЛАРИ ЙЎЛИДА

19 декабрда СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин расмий визит билан Совет Иттифоқига келган Австрия республикаси ташқи ишлар министри В. Парни Кремлда қабул қилди.

Ишчанлик ва дўстона вазиятда ўтган суҳбат чоғида СССР билан Австрия ўртасидаги икки томонлама муносабатларнинг актуал масалалари, шунингдек ҳар икки томонни қизиқтирувчи баъзи халқаро проблемалар кўриб чиқилди.

Совет Иттифоқи билан Австрия ўртасида ҳар томонлама ўзаро манфаатли ҳамкорлик ривожланиб бораётганлигидан ҳар икки томон мамнуният изҳор этди. Томонлар иккала мамлакат халқларининг, Европада тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлашнинг манфаатлари йўлида Совет — Австрия дўстона муносабатларини янада мустаҳкамлаш ва кенгайтиришга интилаётганликларини таъкидлади.

Халқаро проблемаларни муҳокама қилиш чоғида Совет Иттифоқи ва Австрия кескинликни юмшатиш жараёнини изчиллик билан ривожлантириб боришни, қуролланиш пойгаси тўхтатилиши ва ядро уруши хавфи бартараф этилишини ҳозирги замоннинг энг муҳим вазифаси деб ҳисоблаётганликлари уқтириб ўтилди. Шу муносабат билан бетараф давлатлар, жумладан Австрия ҳам мана шу жараённи тезлаштириш учун ихтиёрларида бўлган яхши имкониятларга эътибор жалб қилинди.

(ТАСС).

ДЕҲҚОН БЎЛСАНГ— ШУДГОР ҚИЛ!

Республика областларида шудгорлашнинг бориши тўғрисида шу йил 19 декабрга бўлган

МАЪЛУМОТ

Биринчи устун — областлар, иккинчи устун — бир кунда шудгорланган майдон, учинчи устун —мавсум бошидан буён (топшириққа нисбатан процент ҳисобида).

Хоразм	6,5	152,5
Наманган	3,3	108,4
ҚҚАССР	—	105,6
Андижон	1,8	88,6
Бухоро	1,4	72,3
Тошкент	1,4	70,1
Фарғона	3,8	61,5
Жиззах	1,2	60,7
Сирдарё	2,0	54,9
Қашқадарё	1,9	45,3
Самарқанд	1,7	44,1
Сурхондарё	2,4	30,6
Республика бўйича:	2,0	65,3

РАСМИЙ ВИЗИТ БИЛАН

Австрия Республикасининг ташқи ишлар министри В. Пар 18 декабрда расмий визит билан Совет Иттифоқига келди.

Шу куни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико билан В. Пар ўртасида музокаралар бошланди.

Музокаралар давомида Совет Иттифоқи билан Австрия ўртасида ўзаро муносабатларнинг аҳволи ва уни янада ривожлантириш истиқболлари муҳокама қилинди. Министрлар ҳар иккала мамлакат сиёсий, савдо-иқтисодий ва бошқа соҳаларда ҳамкорликни кенгайтиришга ва чуқурлаштиришга интилаётганлигини таъкидлаб ўтдилар. Ҳар икки томонни қизиқтирувчи баъзи муҳим халқаро масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Музокаралар дўстона амалий вазиятда ўтмоқда.

(ТАСС).

ОЛАМДА НИМА ГАП

ОСИЁ ВА АФРИКА МАМЛАКАТЛАРИ БИРДАМЛИГИ СОВЕТ КОМИТЕТИ БАЁНОТИ

Осиё ва Африка мамлакатлари бирдамлиги Совет комитети баёнот эълон қилди. Шу баёнотда комитет Кампучия Бирлашган миллий нажот фронтининг тузилганлигини совет жамоатчилиги кенг доиралари номидан табриклайди.

Жаҳон демократик жамоатчилиги, Кампучия халқининг барча ҳақиқий дўстлари шу ватанпарварлик ташкилотининг тузилганлигини унинг ўз ватанини қутқариш учун курашида ҳозирги реакцион режимга қарши қатъий кураш олиб бораётганликлари табиий бир ҳолдир. Кампучия Бирлашган миллий нажот фронти шу кураш байрогини баланд кўтариб, ўзининг барча ватандошларини диктаторлик режимини тугатишга ва социализм қураётган мустақил, тинч, демократик, бетараф, блокларга қўшилмаган Кампучияни барпо этишга чақирди. Қўшни давлатлар билан, Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари билан тинчлик ва дўстликни барқарор қилиш учун, Кампучия халқи билан дўст Вьетнамга қарши Пекинга тарафдор тўда бошлаган урушни тугатиш учун халққа қарши авантюристик гуруҳи Пекинининг тўла ёрдами ва ғаразгўйлиги туфайли ҳокимиятни ўз қўлига олиб, ўз халқига қарши, унинг маънавий ва моддий бойликларига қарши шиддатли жанг олиб бормоқда. Пекин раҳбарлари гиж-гижлаётган бу душман тўда Вьетнам Социалистик Республикасига қарши чегарада ҳунрезлик урушини бошлаб юборди. Шундай бир вазиятда Кампучиянинг барча ҳақиқий ватанпарвар кучлари ҳозирги реакцион режимга қарши қатъий кураш олиб бораётганликлари табиий бир ҳолдир. Кампучия Бирлашган миллий нажот фронти шу кураш байрогини баланд кўтариб, ўзининг барча ватандошларини диктаторлик режимини тугатишга ва социализм қураётган мустақил, тинч, демократик, бетараф, блокларга қўшилмаган Кампучияни барпо этишга чақирди. Қўшни давлатлар билан, Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари билан тинчлик ва дўстликни барқарор қилиш учун, Кампучия халқи билан дўст Вьетнамга қарши Пекинга тарафдор тўда бошлаган урушни тугатиш учун курашга отланган фронтнинг бағботини тўла хайрихоҳлик билан кутиб олинди.

Кампучия ватанпарварларининг очиқ-равшан сиёсий йўли фақат Пекин раҳбарларигагина ёқмай қолди. Улар фронт ва Вьетнам Социалистик Республикаси шаънига бошдан-оёқ ёлғон, тухматдан иборат айбларни қўймоқдалар. Аммо мустақил Кампучиянинг тақдирини истибдод ва гегемонизмдан халос бўлиш учун курашаётган шу мамлакатнинг ўз халқи ҳал қилади.

Ҳар иккала мамлакат халқлари ўртасидаги қадимий дўстлик анъаналарига содиқ бўлган совет кишилари Кампучия ватанпарварларининг ҳаққоний ишига ҳамиша қатъий тарафдор бўлиб келди, совет кишилари Кампучия халқининг ҳақиқий намояндаси ва Кампучия халқи манфаатларининг ифодачиси бўлмиш Кампучия Бирлашган миллий нажот фронтига унинг олиб бораётган оқилона ва ватанпарварлик ишида катта муваффақиятлар тилайди.

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

● **УЛАН-БАТОР. Халқ Монголиясининг илмий ташкилотлари шу беш йилликда етти юздан знёд ихтиро ва техникавий ечимларни ишлаб чиқаришга жорий этди. Булардан 40 миллион тугрик иқтисодий самара олинди.**

Монголия олимлари ишлаб чиқариш самарадорлигини янада ошириш, халқ хўжалигининг барча соҳаларида иш сифатини яхшилаш, мавжуд хом ашё ресурсларини аниқлаш ва улардан кенг фойдаланиш каби проблемаларни ҳал этишга асосий эътиборни қаратмоқдалар.

● **БОНН. ГФР 1977 йилда бошқа мамлакатларга салкам 2 миллиард маркалик қуроллар ва ҳарбий техника сотган. Бу ҳақда Ғарбий Германияда чиқадиган «Виртшафтсвохе» газетаси хабар берди.**

Ғарбий Германия концернлари чет давлатларга етказиб бераётган қурол турлари орасида сув ости кемалари, торпеда отувчи катерлар, танклар, вертолётлар, зенит ва танкка қарши ракеталар, ўқ отувчи қуроллар бор.

(ТАСС).

БУГУНГИ ВА ЭРТАНГИ ИНФОРМАЦИОН ПРОГРАММАЛАР

19 декабрь куни Тошкентда иш бошлаган телевидение журналистлари Бутуниттифоқ ижодий семинари информацион телепрограммаларни янада қизиқарли, мазмунли ва тушунарли қилиш мавзуларига бағишланди. ССР Журналистлар союзи правлениесининг секретари В. А. Архангельский семинарни очди.

Семинарнинг биринчи кунида Марказий телевидение «Вақт» информацион программасини чиқариш тажрибалари, изланишлари ва истиқболлари кўриб чиқилди, бошқа ижодий масалалар муҳокама қилинди.

(ЎзТАГ).

ДЕҲҚОНЛАР РАПОРТ БЕРМОҚДАЛАР

ССР МАРКАЗИЙ СТАТИСТИКА БОШҚАРМАСИНИНГ АХБОРОТИ

Қирғизистон ССР меҳнат кашлари 1978 йилда давлатга сабзавот, мева, полиз маҳсулотлари ва пилла сотиш юзасидан зиммаларига олган мажбуриятларини бажардилар. Қанд лавлаги, узум, картошка сотиш планлари оширилди бажарилди. Пахта ва эфир мойли экин маҳсулотларини харид этиш планлари бажарилди.

Тайёрлаш пунктлари ва қайта ишлаш корхоналарига 1537 минг тонна қанд лавлаги, 205 минг тонна пахта, 240 минг тонна сабзавот, 90 минг тонна мева, 72 минг тонна картошка, 1126 тонна пилла топширилди.

Шаҳарлар ва саноат марказларига сабзавот, картошка, мева ва полиз маҳсулотлари юбориш планлари оширилди бажарилди.



Суратда: пойтахтдаги бадиий буюмлар фабрикасининг пешқадам каштачилари (чапдан) Феруза Мирзаева, Муқаддам Исроилова, Дилфуза Зуфарова, Барно Сандова, Гулсара Нуриддинова. Бу пешқадам ишчилар смена топшириқларини мунтазам ошириб бажаришмоқда.
А. Тўраев фотоси.

РАЙОН ПАРТИЯ КОНФЕРЕНЦИЯЛАРИ

ПАХТАЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ — БОШ МАСАЛА

Бўка — областимизнинг асосий пахтакор районларидан бирига айланиб қолди. Тошкент области деҳқонларининг бу йилги эришган жуда катта меҳнат ғалабасида бўкалик заршуносларнинг улуши, айниқса, салмоқлидир. Улар далатга 69 минг 350 тонна «оқ олтин» ҳадя этдилар. Шунинг учун ҳам район партия конференциясида пахтачиликни янада ривожлантириш масаласига айниқса, катта эътибор берилганлиги бежиз эмас.

Конференцияда ҳисобот доклади қилган район партия комитетининг биринчи секретари **Т. Исломов** ва сўзга чиққан нотиқлар ҳисобот даврида халқ хўжалик планида кўзда тутилган 182 минг 300 тонна ўрнига жами 200 минг тонна «оқ олтин» етиштирилганлигини мамнуният билан қайд этдилар. Бу аввалги уч йилдагига (1973—75) нисбатан 14,5 минг тонна кўпдир. Шу давр ичида ҳосилдорлик 4,1 центнерга ошди.

Об-ҳаво пахтачилик учун ниҳоятда ноқулай келган бу йилги шароитда районда рекорд ҳосил олинганлиги — бу колхозчилар, совхоз ишчилари, механизаторлар райондаги барча меҳнаткашларнинг фидокорона меҳнати натижасидир.

Ҳосилдорлик гектар ҳисобига биринчи марта 32 центнерга етди. Пландан ташқари 7350 тонна «оқ олтин» тайёрланиб, социалистик мажбурият ортиғи билан адо этилди. Ялпи ҳосилнинг 56 минг тоннаси ёки 82 процентн машиналар ёрдамида териб олинди.

Райондаги 16 та хўжаликдан 10 таси ҳосилдорликни ўтган йилдагига нисбатан анча ошириб. «Кўкирол», «Бўка» совхозлари, «Коммунизм», «Ленинобод» колхозлари шулар жумласидандир. «Октябрь 40 йиллиги» колхозида ҳар гектар ердан 47,4 центнердан, «Коммунизм», Тўмирязев номли колхозларда 39—40 центнердан ҳосил олинди. Шунингдек, 16 та пахтачилик бригадаси 45—55 центнерлик маррани эгаллади. Булар орасида «Октябрь 40 йиллиги» колхозидан Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Санд Иброҳимов, Хўжа Носиров, Эргаш Бозорбоев, Ҳамза номли колхозидан Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Саодат Гулаҳмедова, Юсуп Юнусов, «Коммунизм» колхозидан Аъзам Орипов, Тимирязев номли колхозидан Мамажон Ҳайдаров ўртоқлар бор.

Эришилган бу ютуқларнинг боиси шундаки, район партия ташкилоти коммунистлар, барча меҳнаткашлар эътиборини пахтачиликда резервлардан ва имкониятлардан тўла фойдаланишга жалб этди. Колхоз-совхозлар ишнинг кўзини биладиган малакали кадрлар билан мустаҳкамланди.

Барча колхоз ва совхозларда «Орамизда қолоқлар бўлмаслиги керак» шиори асосида иш олиб борилди. Илгари кам ҳосилли ҳисобланиб келган 42 та бригадага мутахассис кадрлар раҳбар этиб тайинланди. Бу яхши самара берди. Мазкур бригадалар бу йилги қийин шароитда планларини ошириб бажардилар. Масалан, «Ленинобод» колхозининг Асадулла Ўролов бошлиқ бригадасида бир йил ичида ҳосилдорлик 15 центнерга кўтарилди. Ҳар гектаридан 42 центнерга етказиб ҳосил олинди.

Колхоз ва совхозларда ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, капитал тежашдан бўйича йил сайин кўпроқ ишлар амалга оширилмоқда. Беш йилликнинг уч йили ичида район бўйича 307 гектар янги ер ўзлаштирилди. 2429 гектар майдон капитал тексланди. 2560 гектар сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланди. Бу ишлар учун шу йиллар мобайнида 3 миллион 79 минг сўмдан ортиқроқ маблағ сарфланди.

Алмашлаб экишни жорий этиш — ҳосилдорликни оширишда ғоят катта роль ўйнамоқда. Район бўйича 70 процент майдонда алмашлаб экиш тўла ўзлаштирилди. Ана шу сингари тадбирларнинг амалга оширилиши окибатида пахтачиликдаги ютуқлар кўлами йил сайин кенгайиб бормоқда.

Район партия комитети, бошланғич партия ташкилотлари деҳқончилик маданиятини оширишга, ҳар бир карич ердан унумли фойдаланишга катта эътибор беромқдалар. Раҳбар кадрлар ва мутахассисларнинг толширилган иш учун жавобгарлиги, масъулияти оширилди. Дала ишларининг сифатли бажарилиши юзасидан назорат кучайтирилди.

«Октябрь 40 йиллиги» колхози деҳқонлари пахтачилик соҳасида бой тажриба тўпланганлар. Уларнинг бу тажрибаси колхоз ва совхозларда кенг оммалаштирилди. Бу хўжалик базасида илғор тажриба мактаби ишлаб турибди.

Районда пахтачилик билан бир қаторда бошқа тармоқлар ҳам юксалиб бормоқда.

Уч йил ичида ғалла етиштириш пландагига нисбатан 10721 тоннага кўпайди. Ёки аввалги уч йилликка нисбатан салкам 20 минг тонна кўп галла етиштирилди. Шу даврда планга қўшимча 3368 тонна шоли, 9616 тонна маккажўхори дони йиғиб олинди.

КПСС Марказий Комитети июль Пленуми қарорлари асосида катта ишлар амалга оширилмоқда. Буни чорвадорлар эришаётган ютуқлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Кейинги уч йилда планга қўшимча равишда 14850 центнер сут, 100 центнер гўшт кўп олинди. Ҳар бир сигирдан пландагига қўшимча равишда 1175 килограммдан сут соғилди. Ҳар бош қорамолнинг вазни ўртача 32 килограммга кўпайди. Пилакорлар планга қўшимча 860 центнер «кумуш тола» етказиб бердилар.

Сабзавотчилик, полизчиликни ривожлантириш соҳасида ҳам талайгина ютуқлар қўлга киритилди.

Ҳисобот даврида саноат, транспорт корхоналари ҳам яхши ишладилар. Натижада уч йиллик план-топшириқлари муддатидан анча илгари адо этилди.

Қурилиш кўлами ортиб бормоқда. Сўнгги уч йил ичида 40 миллион сўмликдан кўпроқ капитал маблағ ўзлаштирилди. Жами 32 минг квадрат метрдан зиёд уй-жой, 340 ўринли боғча, 1320 ўринли мактаб, ўнлаб маданий-маиший ва хўжалик бинолари фойдаланишга топширилди.

Конференцияда эришилган ютуқларни мустаҳкамлаш учун ҳали кўп иш қилиш кераклиги, мавжуд резерв ва имкониятлардан тўла фойдаланиш лозимлиги таъкидлаб ўтилди.

Иккита совхоз, тўртта колхоз ва кўплаб бригада бу йил районнинг ўртача даражасидан кам ҳосил берди. Агар ҳамма хўжаликларда экинлар ҳосилдорлиги ва чорвачилик маҳсулдорлиги бўйича йилоқал район даражасига эришилганида эди, шу йилнинг ўзида қўшимча 4 минг тонна пахта, 4109 тонна дон, шу жумладан 110 тонна шоли, 558 тонна маккажўхори дони, кўплаб чорвачилик маҳсулотлари олинган бўлур эди.

Музокарада сўзга чиққан нотиқлар асосий диққат-эътиборни бундан кейинги қилинадиган ишларга қаратдилар.

— Деҳқон ерни, ер эса элни боқади — деди «Ленинобод» колхозининг бригада бошлиғи **А. Ўролов**. Бу нақлнинг маъноси катта. Биз ҳар бир карич ердан унумли фойдаланишга ҳаракат қилмоқдамиз. Ана шу мақсадда эрта кўздан бошлаб зарур тадбирлар амалга оширилди, аввало шудгоршни сифатли ўтказдик. Тўла гектарлар ҳосил қилинди. Кўчат бут бўлди.

Шунинг учун ҳам ҳар гектардан 45 центнерга етказиб ҳосил олдик. Биз бундан буён ҳам ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга катта эътибор берамиз.

— Пахта — эл бойлиги, — деди район халқ контроли комитети раиси **А. Хожиев**.— Назоратчиларимиз бу соҳадаги масъулиятни тўла ҳис қилган ҳолда иш олиб бордилар. Инғим-терим даврида колхоз ва совхозларда кўплаб қўшимча назорат постлари ишлаб турди. Уларнинг ёрдамида етиштирилган ҳосилни ўз вақтида, нобуд қилмасдан йиғиб-териб олиш ва тайёрлов пунктларига топшириш бўйича кўпгина ибратли тадбирлар амалга оширилди. Бу соҳада «Октябрь 40 йиллиги», Мичурин номли, «Коммунизм» колхозларидаги халқ назоратчилари олиб борган ишлар диққатга сазовордир.

Нотиқ ҳамма ерда ҳам назоратчилар фаолияти кўнгилдагидек эмаслигини қайд этди. Айниқса қурилиш ташкилотларидаги назоратчилар ишида жиддий камчиликлар бор.

Шунингдек, музокарада сўзга чиққан халқ депутатлари Ленин қишлоқ совети ижроия комитетининг раиси **И. Бўрихўжаев**, Мичурин номли колхоз механизатори **Х. Йўлдошева**, «Ленинизм» колхозининг раиси **Р. Қурбонқулов**, район марказий касалхонасининг врачи, бошланғич партия ташкилотининг секретари **Х. Фаёзова**, Ҳамза номли колхоз бошланғич партия ташкилотининг секретари **А. Тошбоев** ва бошқа ўртоқлар халқ хўжалигининг етакчи тармоғи бўлган пахтачиликни янада ривожлантириш — деҳқончилик маданиятини ошириш, пахтакорлар, чорвадорлар ва бошқа касб эгаларининг турмуш шароитини янада яхшилаш масалалари тўғрисида сўзладилар.

Конференцияда халқ депутатлари область совети ижроия комитети раиси **Т. Алимов** нутқ сўзлади.

Конференцияда муҳокама қилинган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Конференцияда район партия комитети, ревизия комиссияси янги составлари, область партия конференциясига делегатлар сайланди.

* * *

Район партия комитетининг бўлиб ўтган ташкилий пленумида ўртоқ **Т. Исломов** район партия комитетининг биринчи секретари, ўртоқ **М. Аҳмаджонов** район партия комитетининг иккинчи секретари ўртоқ **Ф. Азимхўжаева** район партия комитетининг секретари қилиб сайландилар.

Н. РИХСИЕВ,
А. АҲМЕДОВ.

ОҲАНГАРОН ШАҲАР САНОАТ КОРХОНАЛАРИДА

БАИРОҚДОР КОЛЛЕКТИВ

Цемент комбинати шаҳардаги йирик корхона ҳисобланади. Бу ерда республикамиз қурилишлари учун турли-туман бинокорлик материаллари — цемент, шифер, минерал момиқ ва асбоцемент қувурлари ишлаб чиқариш йилдан йилга кўпаймоқда. Корхона коллективи ўнинчи беш йиллик зарбдор йилининг учинчи кварталида самарали меҳнат қилди. Маҳсулот реализация қилиш квартал плани анча ортиғи билан адо этилди. Унумли иш муносиб тақдирланди. Коллектив турдош корхоналар Бутуниттифоқ мусобақасида ғолиблик қилиб, СССР Бинокорлик материаллари саноати министрлиги ҳамда тармоқ ходимлари касаба союзи Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи ва пул мукофотини олди.

Цехлар ўртасидаги социалистик мусобақада минерал момиқ цехи пешқадамлик қилмоқда. Беш йиллик планнинг уч йиллигини зарбдор йилнинг май ойида адо этган цех ишчилари шу кунларда келгуси йилнинг июнь ойи ҳисобига маҳсулот бермоқдалар. Улар йил бошидан бери пландагидан ташқари 30 минг квадрат метр маҳсулот ишлаб чиқаришди. Шифер цехи коллективи ҳам пешқадамлар сафида бормоқда. Бу ерда қўшимча бир неча минг дона шифер ишлаб чиқарилди.

ИЛҒОРЛАР НАМУНАСИ

Ўнинчи беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун қизғин кураш олиб бораётган «Стройпластмасс» комбинати цехлари коллективларининг меҳнат кўрсаткичлари яхши бўлмоқда. Айниқса қуюв, ремонт, асбобсозлик, пластмасса буюмлари ишлаб чиқарувчи цехлар мусобақада пешқадамлик қилишяпти. Биргина ўтган ноябрь ойида ана шу цехлар коллективлари пландагига қўшимча 38 тонна пластмасса буюмлари, 18 минг сўмлик рўзғор буюмлари ишлаб чиқардилар.

БЕШ ЙИЛЛИК ҚУРИЛИШЛАРИГА

8-темир-бетон буюмлари заводи коллективи қўлидан чиқаётган маҳсулотга талаб кун сайин ортиб бормоқда. Буни ҳисобга олган корхона ишчи-хизматчилари маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш имконини берадиган резервлардан оқилона фойдаланишга ҳаракат қилмоқдалар.

Корхонада маҳсулот сифатига катта эътибор берилмоқда. Шунинг учун ҳам йил бошидан бери биронта рекламация олинганн йўқ. Ишчилар ҳаммаси бўлиб 5441 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқардилар. Бу пландагига нисбатан қарийб 100 минг сўмлик кўпдир. Коллектив эришган бу ютуқларга 1 ва 2-цех ишчи-хизматчилари самарали ҳисса қўшишди.

О. ХУШНАЗАРОВ.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ 1978 ЙИЛ НОЯБРЬ ПЛЕНУМИ ВА ТЎҚҚИЗИНЧИ ЧАҚИРИҚ СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ЎНИНЧИ СЕССИЯСИ МАТЕРИАЛЛАРИНИ ЎРГАНИШ ЮЗАСИДАН

ТАВСИЯЛАР

КПСС Марказий Комитетининг 1978 йил ноябрь Пленуми ва СССР Олий Совети ўнинчи сессиясининг қарорлари, Пленумда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев сўзлаган нутқда баён қилинган қоида ва хулосалар беш йиллик планларини, КПСС XXV съезди режаларини амалга оширишда партия ва халқнинг жанговар иш программаси ҳисобланади. Коммунистлар, комсомоллар, барча совет кишилари бу программани пухта эгаллаб, уни муваффақиятли амалга ошириш учун курашда ҳар бир кишининг ўз роли, шахсий ҳиссасини аниқ-равшан белгилашга интилмоқдалар.

Бу ўринда партия, комсомол ўқуви ва иқтисодий таълим системаси катта ёрдам бериши керак. Партия, комсомол ўқуви ва иқтисодий таълим системасида яқин кунлар ичида битта махсус машғулот бўлиб ўтади. Машғулотда қуйидаги икки масалани кўриб чиқиш лозим:

1. КПСС Марказий Комитетининг ноябрь Пленуми — партия XXV съезди қарорларини амалга ошириш учун курашда муҳим босқич.

2. 1979 йилда мамлакат халқ хўжалигини ривожлантиришнинг асосий вазифалари.

Биринчи масалани кўриб чиқилаётган вақтда шуни таъкидлаш керакки, КПСС Марказий Комитетининг Пленуми ва СССР Олий Советнинг ўнинчи сессиясида экономикадаги ишларнинг умумий аҳволи, беш йилликнинг уч йили якунлари ва унинг тўртинчи йили режалари тўғрисида, бундан бўёнги истиқболлар, партия билан халқ олдида турган вазифаларни ҳал этиш йўллари ҳақида гаплашиб олинди.

Бунда шуни уқтириш зарурки, пленум ва сессия қарорлари партия сиёсатининг изчиллигини, чуқур ва атрофлича асосланганлигини яна бир карра кўрсатди. Партиянинг Ватан иқтисодий ва маънавий бойлиги, унинг мудофаа қобилиятини ўстиришдан, меҳнаткашларнинг фаровонлигини оширишдан, ер юзида халқлар тинчлиги, дўстлиги ва ҳамкорлигини мустаҳкамлашдан бошқа фикри, бошқа мақсади йўқ.

Совет экономикаси ва халқ турмуш даражаси тез суръатлар билан юксалиб бораётганлигини шу нарса ҳам кўрсатиб турибдики, ўнинчи беш йилликнинг уч йили мобайнида ишлаб чиқариш фондлари бир мунча кенгайди ва янгиланди. Улар 195 миллиард сўмлик миқдорда ўсди ва 1978 йилнинг охирига бориб 1 триллион сўмликка етади.

Пропагандист Ўзбекистонда, ўз корхонасида асосий ишлаб чиқариш фондларининг кенгайтирилиши ва янгиланиши тўғрисидаги маълумотларни келтириши керак. Бунда яқинда нашр этилган «Ўзбекистон ССР халқ хўжалиги 1977 йилда» йиллик статистик тўпламидан фойдаланиш керак. Бу тўпламда кўрсатилишича, ишлаб чиқаришнинг асосий фондлари республикада 1976 йилнинг 1 январига қараганда 1978 йил 1 январида 19 процент кўп бўлган, улар 25079 миллион сўмдан 29731 миллион сўмга, ёки 4652 миллион сўмга кўпайган. Бу рақам 1965 йилдаги барча асосий ишлаб чиқариш фондларининг тахминан ярмига тенгдир.

КПСС Марказий Комитети Пленумининг қарорида қайд этиб ўтилдики, ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини ва иш сифатини ошириш учун курашни янада кучайтириш министрликлар ва идораларнинг, партия, совет ва жамоат ташкилотларининг, меҳнат коллективларининг энг муҳим вазифасидир.

Пропагандист шунга эътиборни қаратиши керакки, социалистик ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг объектив зарурати марксизм-ленинизм классиклари томонидан исбот қилиб берилган эди. Ишлаб чиқариш самарадорлиги проблемаси ҳақида тўхталар экан, Ф. Энгельс ўзининг «Анти-Дюринг» асарида бўлажак жамиятнинг хўжалик плани оқибат натижада турли истеъмол буюмларининг фойда самаралари бир-бирига солиштириш ва таққослаш ҳамда уларни ишлаб чиқаришга қанча меҳнат кетишини билиш билан белгиланишини ёзган.

Яна шуни ҳам қайд этиб ўтиш керакки, Совет ҳокимиятининг дастлабки кунлариданоқ Коммунистик партия ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ғоялари билан суғорилган эди. ГОЭЛРО планида ҳар қандай хўжалик фаолиятининг мақсади энг кам куч-ғайрат сарфлаб энг кўп натижага эришиш, яъни максимал унумдорликка эришишдан иборат, деб ёзилган.

КПСС Марказий Комитетининг 1978 йил ноябрь Пленумида Л. И. Брежнев ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга эътиборни кучайтиришнинг сабабларини янада бир бор таъкидлаб ўтди: «...80-йилларнинг бошларидан иқтисодий ўсишнинг интенсив омилларига янада кўпроқ зўр беришга тўғри келишини, чунки бошқа омиллар кескин камайиб бораётганини инобатга олмасдан бўлмайди. Бу гап аввало, янги меҳнат ресурсларини жалб этиш имкониятларига тааллуқлидир. Бу гап табиий ресурсларга ҳам тааллуқлидир; мамлакатимизда табиий ресурсларнинг заспаслари жуда катта бўлса ҳам, аммо уларни ўзлаштириш тобора кўп капитал маблағ сарфлашни талаб қилади».

Пленумда шу нарса таъкидландики, партия 80-йилларда меҳнат ресурслари ўсиши камайишини олдиндан пайқаб, унумсиз кўл меҳнатини анча қисқартириш учун машинасозлик базасини вужудга келтириш вазифасини ўз вақтида ўртага қўйди.

Республикада ҳозирги вақтда саноат корхоналари ва ташкилотларига келаётган йўлланма юклаш-тушириш ишларини механизациялаш даражаси 97 процентни ташкил этади. Қурилишда ишларнинг умумий ҳажмига нисбатан механизациялашган ишлар ҳажми процент миқдорида қуйидагичадир: ер ишлари — 99,9; бўёқчилик ишлари — 86; сувоқчилик ишлари—77,9.

Пропагандист ўз корхонасида ишларнинг механизациялаш даражаси тўғрисидаги конкрет маълумотларни келтириши керак.

КПСС Марказий Комитетининг Пленумида Л. И. Брежнев бундай деди: «Ҳозир халқ хўжалигини ривожлантиришнинг бош проблемаларини унинг самарадорлигини янада ошириш позициларида туриб, чуқур, ҳар тарафлама таҳрир этиш зарурияти тобора нучлироқ сезилмоқда». Мазкур мавзу юзасидан машғулот ўтказиш чоғида тингловчиларни улар ишлаётган корхонадаги ишлаб чиқариш самарадорлигини таҳлил этишга жалб қилиш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Пленумда шу нарса таъкидландики, партия 80-йилларда меҳнат ресурслари ўсиши камайишини олдиндан пайқаб, унумсиз кўл меҳнатини анча қисқартириш учун машинасозлик базасини вужудга келтириш вазифасини ўз вақтида ўртага қўйди.

Республикада ҳозирги вақтда саноат корхоналари ва ташкилотларига келаётган йўлланма юклаш-тушириш ишларини механизациялаш даражаси 97 процентни ташкил этади. Қурилишда ишларнинг умумий ҳажмига нисбатан механизациялашган ишлар ҳажми процент миқдорида қуйидагичадир: ер ишлари — 99,9; бўёқчилик ишлари — 86; сувоқчилик ишлари—77,9.

Пропагандист ўз корхонасида ишларнинг механизациялаш даражаси тўғрисидаги конкрет маълумотларни келтириши керак.

КПСС Марказий Комитетининг Пленумида Л. И. Брежнев бундай деди: «Ҳозир халқ хўжалигини ривожлантиришнинг бош проблемаларини унинг самарадорлигини янада ошириш позициларида туриб, чуқур, ҳар тарафлама таҳрир этиш зарурияти тобора нучлироқ сезилмоқда». Мазкур мавзу юзасидан машғулот ўтказиш чоғида тингловчиларни улар ишлаётган корхонадаги ишлаб чиқариш самарадорлигини таҳлил этишга жалб қилиш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Пропагандист КПСС Марказий Комитети Пленуми қароридаги бу моддаларни тушунтириш борасида ўз тингловчиларини «Правда Востока» газетасининг 1978 йил 8 декабрь сонида эълон қилинган «Катта ва кичик ҳамма ишда тежамкор бўлайлик» сарлавҳали мурожаати билан таништириши лозим.

Шундан сўнг тингловчиларга планлаштиришни яхшилаш учун амалга оширилаётган ва амалга оширилиши лозим бўлган тадбирлар тўғрисида айтиб бериш керак.

Ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС Марказий Комитетининг Пленумида кўрсатиб ўтдики, «Ишлаб чиқаришнинг пировард натижаларига, шу натижаларга эришишнинг энг самарали ва тежамли йўлларини қидириб топишга интилиш янги беш йиллик план устидаги бутун ишнинг марказига қўйилиши лозим».

КПСС Марказий Комитетининг Пленумида айрим ҳал этилмаган проблемаларимиз ҳам бор, бу проблемаларни партия билади, уларни ҳал этиш устида доимо ишлаяпмиз ва албатта ҳал этамиз, деб айтилди. Пропагандист тингловчиларга корхонада қандай проблемалар борлиги, уларни бартараф этиш учун нималар қилиш лозимлигини айтиб бериши керак.

Биринчи масала ниҳоясида пропагандист Л. И. Брежнев нутқидан қуйидаги парчани келтириши лозим: «Совет жамияти партиянинг жипслиги, партия билан халқнинг бирлигидек бебаҳо сиёсий капиталга эга. Бу эса, партия XXV съезди ўртага қўйган вазифаларни ҳал қилишда, тинчлик ва халқлар хавфсизлиги ишини мустаҳкамлаш учун, марксизм-ленинизм ғояларининг тантанаси учун курашга янги-янги муваффақиятларга эришамиз, деб комил ишонч билан айтиш имконини беради».

Иккинчи масала кўриб чиқилаётган вақтда СССР, Ўзбекистон ССР халқ хўжалигини 1979 йилда ривожлантиришнинг конкрет маълумотлари ва ўз корхонасининг юксалиш маълумотлари келтирилиши керак.

Бунда шу нарса таъкидланиши лозимки, СССР иқтисодий ва социал ривожланишининг 1979 йилги давлат плани халқ хўжалигини янада юксалтиришга, халқ турмуш даражаси ва мамлакат мудофаа қудратини мустаҳкамлашга қаратилган.

План-топшириқлари экономикани ривожлантириш суръатларини оширишни, ишлаб чиқариш самарадорлиги кўрсаткичларини, аввало, меҳнат унумдорлигини ўстириш ҳамда материал ресурсларини тежаш, техника тараққиётини жадаллаштириш, халқ хўжалигини ривожлантиришда яхшироқ балансларштиришга эришишни назарда тутади.

1979 йилда мамлакат саноатида меҳнат унумдорлиги 1978 йилдаги 3,6 процентдан 4,7 процентга кўпайиши керак.

Саноат маҳсулотининг ўсиши мамлакат бўйича 1978 йилдаги 5 процентдан 5,7 процентга кўпайиши керак.

Моддий ресурсларни анча иқтисод қилиш назарда тутилади. Мамлакат халқ хўжалигида ёнилғи-энергетика ресурсларини умумий тежаш 33 миллион тонна шартли ёнилғига тенг бўлади. Қора ва рангли металлар, ўрмон, химия маҳсулотлари ва бошқа ресурсларни бир мунча тежаб сарфлаш бўйича тадбирлар белгиланади. Саноатнинг ишлаб чиқариш қувватларидан тўлароқ фойдаланиш кўзда тутилади. Буларнинг ҳаммаси маҳсулот таннархини камайтиришга, хўжаликнинг ҳамма участкаларида тежамкорлик режимини кучайтиришга ёрдам беради.

Пропагандист корхонада мавжуд бўлган резервлар тўғрисида конкрет маълумотларни келтириши ва тингловчиларни уларни реализация қилишга чорлаши, бу резервлардан фойдаланишнинг асосий йўлларини очиб бериши керак.

1979 йил плани капитал қурилишнинг катта программасини назарда тутади. Давлат капитал сарфлари ҳажми 116,5 миллиард сўмни ташкил этади, бу 1978 йилдагидан 4,9 процент ортиқдир.

Ўзбекистон ССРда электроэнергетика, рангли металлургия, химия ва енгил саноат, машинасозлик ва металлни қайта ишлаш тез суръатлар билан ривожланади. Чирчиқ капролактам заводи, Ангрен резина комбинати, Сирдарё ГРЭСи, Навоий цемент заводи ва бошқа корхоналар қурилиши давом эттирилади.

1979 йилги планда совет халқининг фаровонлигини янада оширишга жуда муҳим ўрин берилган. Аҳоли жон бошига реал даромадларни 3,3 процент ошириш белгиланди. Ижтимоий истеъмол фондларидан аҳолига бериладиган тўлов ва имтиёзлар 4,5 миллиард сўмлик миқдорда ортиб, 110 миллиард сўмликка етади.

1979 йилда ноишлаб чиқариш тармоқларидаги ўртача ҳақ олувчи ходимларнинг ставка ва окладларини ҳамма жойда оширишни ниҳоясига етказиш белгиланди. Бу катта социал тадбир 1979 йилда 18 миллион кишининг иш ҳақини ошириш имконини беради, шу беш йилликда эса жами 31 миллион кишининг иш ҳақи оширилади. Пропагандист шуни таъкидлаши лозимки, бу тадбирлар республикада 1977 йилда амалга оширилган бўлинди.

Улуғ Ватан уруши қатнашчиларининг моддий-маъиший шароитлари, интернат уйларидаги инвалидлар ва қариялар таъминоти яхшиланмоқда ҳамда бошқа бази бир тадбирлар ўтказилмоқда.

Ишчи ва хизматчиларнинг ўртача ойлик иш ҳақи 1979 йилда 163 сўмга, колхозчиларнинг ўртача ойлик меҳнат ҳақи 116 сўмга етади.

Машғулот ниҳоясида шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, мамлакатимиз беш йилликнинг тўртинчи йилига янада зўр жўшқинлик билан қадам қўймоқда. Ишлаб чиқаришни ўстириш суръатларини жадаллаштириш, унинг самарадорлиги ва иш сифатини ошириш, ўнинчи беш йилликни муваффақиятли бажариш учун оммавий социалистик мусобақа тобора кенг кулоч ёзмоқда. Бу эса, келгуси йилги план-топшириқлари бажарилибгина қолмай, оширилиб бажарилишига ва Совет халқи Коммунистик партия XXV съезди қарорларини бажариш йўлида янги қадам қўйишига комил ишонч туғдиради.

АДАБИЁТЛАР:

КПСС Марказий Комитети 1978 йил ноябрь Пленумининг қарори «СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1979 йилги Давлат плани ва СССР Давлат бюджети лойиҳаларн тўғрисида». «Правда», 1978 йил 28 ноябрь.

1979 йилда СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг Давлат плани тўғрисида Совет Социалистик Республикалар Иттифоқининг Қонуни. «Правда», 1978 йил 1 декабрь.

1979 йилги СССР Давлат бюджети тўғрисида Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Қонуни. «Правда», 1978 йил 1 декабрь.

Л. И. Брежнев. КПСС Марказий Комитетининг 1978 йил ноябрь Пленумида сўзланган нутқ. «Правда», 1978 йил 28 ноябрь.

«Ленин йўлидан». «Правда»нинг 1978 йил 3 декабрдаги бош мақоласи.



Тошкентдаги «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасининг ахборот-ҳисоблаш марказида ишлаб чиқаришга оид кўпгина масалалар комплекс ҳал этилмоқда. Бунинг учун электрон ҳисоблаш машиналаридан фойдаланиляпти. Суратда: ҳисоблаш марказининг катта инженери Ҳумайра Арутюнова машиналар ишини назорат қилмоқдалар. Юсупова ва оператор Ольга М. Нуриддинов фотоси.

УЙСОЗЛАР ЮТУҒИ

ТОШКЕНТ шаҳри қурилиши Бош бошқармасига қарашли уй-жой қуриш трестида ҳам беш йилликнинг учинчи йилини ёруғ юз билан яқунлаш мақсадида ўзаро социалистик мусобақа авж олган. Уйсозлар ўн бир ойлик планни бош пудрат бўйича 101,3 процентга, ўз кучлари билан 103,3 процентга адо этишди. Бу зафарнинг қўлга киритилишида Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Николай Злобиннинг бригада пудрати методи бўйича иш олиб бораётган бригадаларнинг аҳамиятлари катта улуш қўшдилар. Коллективнинг 28 бригадаси ана шу усулда ишлаб, қурилиш ишларининг таннархини арзонлаштиришга, муддатларини қисқартиришга муваффақ бўлишаётир.

Ленин ва Меҳнат Қизил Байроқ орденлари кавалери Виктор Демидов бошлиқ монтажчилар бригадаси иш вақтидан унумли фойдаланиш, ишлаб чиқаришга илғор иш усулларини жорий этишлари туфайли беш йилликнинг ўтган икки йилу тўққиз ойида 55 минг квадрат метр турар жой бинолари қуриб, беш йиллик топшириғини адо этган эди. Шу кунларда бу бригада 1981 йилнинг февраль ойи меҳнат календари бўйича қурилиш ишларини бажараётир.

Октябрь район партия комитетининг аъзоси Баҳодир Шукуров бошлиқ бригада ҳам қурилиш ишларини намунали ташкил этиб, кунбўйи ана бир бригада бошқа бинокорларни турар-жой биноларининг ер ости қисмини бунёд этиш билан шуғулланадилар. Ўтган йиллар ичида бу коллектив зилзиладан зарар кўрган Бухоро областида ва Фарғона шаҳрида кўплаб турар-жой бинолари қуриб берди. Эндиликда эса Тошкентнинг Марказ-26, Марказ-17 ва Тансиқбоев каби массивларида уй-жойлар қурилишига ўзларининг катта ҳиссаларини қўшишяпти. Бригада ўнинчи беш йиллик топшириғини икки ярим йилда бажарган эди. Ҳозир эса ўн биринчи беш йиллик меҳнат календари бўйича ишлаяпти.

А. НАЗАРОВ.

ИШЧИ-МУХБИРЛАР ЎҚУВИ

ОРЖОНИКИДЗЕ районидаги «Коммунизм тонги» район газетасида ташкил этилган ишчи-мухбирлар университети машғулотлари уюшқоқлик билан ўтмоқда. Тингловчилар газета жанрлари ҳақида маълумот олишяпти, тажрибали журналистлар билан ўтказилаётган суҳбатлар уларда яхши таассурот қолдирмоқда.

Навбатдаги машғулотда маҳаллий радиоэшиттириш редакциясининг редактори Озод Искандаров «Маҳаллий радиоэшиттириш редакцияси ишларини ташкил этиш ва унинг аҳамияти» деган мавзуда суҳбат ўтказди. Район газетаси редактор ўринбосари Ш. Шералиев «Партия ташкилоти ва социалистик мусобақа» деган темада лекция ўқиди.



Ҳозир Тошкентдаги 17-ўрта мактабда кўпгина тўгараклар ишлаб турибди. Математика тўгараги машғулотларини ҳам қизиқарли олиб борилади. Суратда: тўгарак раҳбари М. Сергибоева ўқувчилар билан машғулот ўтказмоқда.

А. Тўраев фотоси.

ТАШАББУС МАҚҚУЛЛАНДИ

«ТАШГОРАВТОТРЕСТ»-ининг 39-автобаза коллективи доҳий Ленин туғилган кун — 22 апрелга беш йиллликнинг тўрт йиллик планини бажариш ташаббуси билан чиқди. Турли халқ хўжалик юкларини манзилга элтишда графикдан ўзиб ишлаётган автобаза шофёрлари орасида меҳнат илғорлари кун сайин кўпайиб бормоқда. Жумладан, Ф. Морозов, А. Болохов, М. Каумтов, П. Микитасев сингари шофёрлар 1982 йил ҳисобига меҳнат қилмоқдалар. Коллектив аъзолари янгийўлликларининг қолоқларсиз ишлайлик шиорига қўшилиб, ойлик ва квартал планларини оширишмоқда.

Калинин район партия комитети автобаза транспортчиларининг бу илғор ташаббусини маъқуллаб, бошқа хўжаликларда ҳам доҳий Ленин таваллудининг 109 йиллигини меҳнатда муносиб совғалар билан кутиб олишга даъват этди.

Реклама ва эълонлар

ЎЗБЕК ДАВЛАТ ФИЛАРМОНИЯСИ

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

22, 23 ДЕКАБРЬ СОАТ 19.30 да

М. ҚОРИЁҚУБОВ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ ФИЛАРМОНИЯСИ АРТИСТЛАРИНИНГ

К О Н Ц Е Р Т И

ҚАТНАШАДИЛАР:

ЎЗБЕКИСТОН ССРда ХИЗМАТ КЎРСАТГАН АРТИСТЛАР

Олмахон ҲАЙИТОВА, Қувондиқ ИСКАНДАРОВ, Шариф СУЛТОНОВ, Ойхон ЁҚУБОВА.

Солистлар: Ҳадича АЛИМАРДОНОВА, Гулчеҳра ИСМОИЛОВА, Нуржаҳон САТТОРОВА, Зуҳра ҒОЗИЕВА, Ҳотам ҲОЖИЕВ, Ражаб ИСМОИЛОВ, Изом САДРИЕВ.

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ

Музика раҳбари — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Салоҳиддин ТЎХТАСИНОВ.

Программани — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Ғулом ТОЖНАЪЛОЕВ олиб боради.

Ансамблнинг раҳбари — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Олмахон ҲАЙИТОВА.

30-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1978—79 ўқув йили учун

қуйидаги

ихтисосликлар бўйича

ҚЎШИМЧА РАВИШДА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

кенг профилдаги тикувчи, кенг профилдаги сартарош, кенг профилдаги фотограф, ошпаз, озиқ-овқат ва саноат моллари сотувчиси, соатларни тузатиш бўйича уста, холодильниклар ва кир ювиш машиналарини тузатиш бўйича уста, кондитер.

Билим юртига 8—10-синф ҳажмида маълумотли, 15 ва ундан катта ёшдаги йигит-қизлар қабул қилинади.

Ўқиш муддати — 1—2—3 йил.

Ўрта маълумотлилар стипендия билан таъминланадилар, тўлиқсиз ўрта маълумотлилар давлат таъминотида бўладилар.

Билим юрти директори номига ёзилган аризага қуйидаги ҳужжатлар қўшиб топширилади: туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ёки паспорт, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат, соғлиғи тўғрисидаги справка, ота-онасининг иш жойидан справка, турар жойидан справка, 6 та фотосурат, таржимаи ҳоли. Ҳарбий рўйхатдан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома шахсан кўрсатилади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, 1/2-«Қорақамиш» массиви, (42, 43, 43 «э», 56, 67-автобуслар ва 27-трамвайнинг «Мактаб» бекати).

ОБУНАЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

1979 йил февраль ва кейинги ойлардан бошлаб олиш учун

ГАЗЕТА ВА ЖУРНАЛЛАРГА ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА

ОБУНА ҲАММА МАРКАЗИЙ ГАЗЕТАЛАРГА («Советский спорт» ва «Литературная газета»дан ташқари), «ЕШ ЛЕНИНЧИ», «КОМСОМОЛЕЦ УЗБЕКИСТАНА», «ЛЕНИН БАЙРОҒИ» республика газеталари ва қуйидаги республика журналларига қабул қилинади:

«АГИТАТОР УЗБЕКИСТАНА».
«УЗБЕКИСТОН АГИТАТОРИ».
«ПАРТИЯ ТУРМУШИ».
«ПАРТИЙНАЯ ЖИЗНЬ».
«УЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИ».
«КОММУНИСТ УЗБЕКИСТАНА».
«КОРРЕСПОНДЕНТ».
«УЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ».
«СЕЛЬСКОЕ ХОЗЯЙСТВО УЗБЕКИСТАНА».
«ГУЛХАН».
«ҒУНЧА».
«МУШТУМ».
«СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ САНЪАТИ».
«РУССКИЙ ЯЗЫК В УЗБЕКСКОЙ ШКОЛЕ».
«СОВЕТ МАКТАБИ».

ЎЗБЕКИСТОН ССР АЛОҚА МИНИСТРЛИГИНИНГ «СОЮЗПЕЧАТЬ» БОШҚАРМАСИ.

ФУРҚАТ ҲАҚИДА ЯНГИ ТАДҚИҚОТ

Фурқат деганимизда кўз олдимизда ўзбек демократик шоири, йирик маърифатпарвар, ўткир публицист, адабиётимиз тарихида янги мавзу ва ғоявий мотивлар киритган новатор сиймо гавдаланади. Зокиржон Фурқатнинг қаламга мансуб бўлган асарлар ҳар томонлама ўрганилган, қайта-қайта нашр қилинган, унинг ижоди ҳақида талай илмий мақолалар яратилган бўлса-да, шоирнинг адабий мероси ҳануз адабиётшуносларимиз диққатини жалб этиб туради. Шу жиҳатдан олганда А. Абдуғофуровнинг яқинда чоп этган «Зокиржон Фурқат» (Ҳаёти ва ижоди) монографияси фурқатшунослик фанига муносиб ҳисса бўлиб қўшилди.

Китоб бир неча бобларидан иборат бўлиб, ҳар бир боб Фурқат ижодининг муайян қирраларини очиб беради. Жумладан, шоирнинг Тошкент даври ижоди ҳақидаги қисм фактларга бойлиги, Фурқатнинг маърифат ва маданиятнинг оташин тарғиботчиси сифатидаги фаолияти муфассал ёритилганлиги билан ҳарактерлидир.

Монографияда Фурқатнинг чет эллари ҳаёти ва ижоди ҳақидаги материаллар ҳам катта ўрин тутади. Муаллиф шоирнинг ҳаёт йўли ва ижодини синчиклаб ўрганган, унинг ижодий эволюциясини конкрет факт ва мисоллар ёрдамида тўла-тўкис очишга ва ёритишга, янги маълумотлар билан бойитишга муваффақ бўлган. Масалан, Фурқат ижодининг муҳим фазилатларидан бири шуки, у кўп асрлик достончилик анъаналаримиздан ва халқ оғзаки ижодидан ижобий фойдаланди: «Рўмолли қиз ҳикояти» асарида марказий аёл образига мурожаат этиб, демократик адабиётимизнинг мавзу ва жанрлар доирасини кенгайтирди.

Шунингдек, китобда ўз она-Ватанига қайтиш умиди иштиёқи билан яшаган, лекин давр тақозосига кўра мақсадига эриша олмаган шоирнинг ғарибликдаги ҳаёти ва ижодига оид оригинал монография мутахассислар, адабиёт ўқитувчилари, аспирантлар ва филолог студентлар, умуман, шоир ҳаёти ва ижоди билан қизиққан барча адабиёт мухлисларига муҳим қўлланма бўлиб хизмат қилгусидир.

Фурқат лирикасига хос ҳаётий мазмун, реалистик хусусиятлар, хусусан замонавийлик мотивлари китобда асослаб берилади.

Фурқат ғазал жанрини ҳам чуқур ижтимоий мазмун билан бойитди, бадиий ижодининг бу анъанавий шаклидан ижодий фойдаланиб, муҳаммас, мусаддас, мураббa, мустаҳзод жанрларининг янги намуналарини яратди. Тадқиқотчи конкрет асарларнинг ғоявий-бадиий таҳлили асосида қимматли умумлашма хулосалар чиқарган.

Фурқат лирикага реал борлиқни бадиий акс эттириш, унга тарбия ва таъсир қуроли инсон эзгу интилишлари, руҳий дунёсини, ташвиш-роҳатини, ҳаяжонлаззати, орзу-истакларини ифодалаш воситаси деб қаради. У ўз лирикасида инсон ва унинг олижаноб фазилатларини кўпроқ севги-садоқат аспектида мадҳ этди.

Китобнинг охирги боби шоирнинг яна бир муҳим ижод қирраси — публицистикаси билан таништиради. «Фурқатнома» Фурқатнинг публицистик фаолияти, ўзбек адабиёти ва матбуоти тарихида памфлет ва фельетон жанрининг асосчиси экани ҳақида қимматли маълумотлар беради.

Монографиядан Фурқатнинг хали кенг китобхонларга маълум бўлмаган асарлари ёки улар ҳақида автор изланишлари ҳам салмоқли ўрин олганки, бу унинг қимматини яна бир бор таъкидлайди.

Бизнингча, монографияда Фурқат ижоди тадқиқида ўта деталлаштириш ҳоллари учрайди.

Ўзбек демократик шоири, рус илм-фани, маданияти тарғиботчиси, биринчи ўзбек публицисти, фельетончиси Зокиржон Фурқатнинг ҳаёти ва ижодига оид оригинал монография мутахассислар, адабиёт ўқитувчилари, аспирантлар ва филолог студентлар, умуман, шоир ҳаёти ва ижоди билан қизиққан барча адабиёт мухлисларига муҳим қўлланма бўлиб хизмат қилгусидир.

Дилбар РАҲМАТОВА,
филология фанлари кандидати.

ЯНГИЧА АНЪАНАЛАР КЎПАЙМОҚДА

МАҲАЛЛАМИЗ асосан Улуғ Ватан уруши йилларидан сўнг ташкил топди. Бу ерда ҳозир 800 га яқин хонадон яшайди. Маҳалламиздан таниқли ишчилар, хизматчилар, кўплаб олимлар ва шоирлар ҳам етишиб чиқишди.

Бизда ҳар қандай маросимларда ҳамма бир жон, бир тан бўлиб қатнашади. Ҳашар йўли билан маҳалла кўчалари, йўл ва йўлакларини ободонлаштиришга алоҳида эътибор бермоқдамиз. Кейинги йилларда шу усулда иккита болалар боғчаси, ўрта мактаб, амбулатория, қизил чойхона, маҳалла идораси ва нон дўконлари каби кўплаб бинолар қуриб битказилди.

Маҳалламизда тинғи-тинчимас меҳнат ветеранлари, отахонларимиз кўплаб ибратли ишларга бош-қош бўлишяпти. Масалан, яқинда маҳалла идорасида одатдагича актив мажлиси бўлаётган эди. Кексалардан бири сўз олиб, Киев кўчаси этагидаги 38-уй қаровсиз қолганлиги, уни бир неча бекорчи макон қилиб олганлигини айтиб қолди.

Маҳалла комитети учтўрт кекса отахонлар иштирокида ҳовлини тартибга келтирди. Кейинчалик Киров район ижроия комитети қарори билан ҳовли маҳалла ихтиёрига топширилди. Шариф Набиев бошлиқ активлар ва бир группа пенсионерлар уни капитал ремонтдан чиқаришди. Қўшимча ёзги айвон, маҳалланинг тўй-ҳашамларида ишлатиладиган асбоб-анжомлар учун омбор курилди. Ҳовли сахни эса гулзорга айлантирилди.

Қарабсизки, бу ташландиқ жой маҳалла оқсоқоллари — пенсионерларнинг дам олиш уйига айланди. Маҳалла комитети ташаббуси билан радио, телевизор сотиб олинди. Шундан кейин бу жойда турли темалардаги қизиқарли лекция ва суҳбатлар ҳам ташкил этила бошланди.

Маҳалла аҳли маданий-оқартув секцияси ташаббуси билан КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг «Қўриқ» асарини ўқиб-ўрганмоқдалар.

Маҳаллада янгича маросимлар эски урф-одатларни сиқиб чиқармоқда. Тўйлардаги исрофгарчиликларга барҳам берилмоқда. Бунда маҳалла комитети қошидаги тўй комиссиясининг ҳиссаси салмоқлидир.

Яқинда ана шу комиссиянинг кенг активлари йиғилиш ўтказишди. Мажлисда маросимларни янада ихчамлаштириш борасида фикр юритдик. Маҳалла оқсоқолларидан Абдурахмон ота Шарипов ва Назруллахон ота Алихоновлар янгича тўйларимиздаги баъзи бир ортиқча сарф-харажатларни ҳам жуда ўринли кўрсатиб беришди:

— ЗАГСдан чиққан куёв билан келиннинг ўртоқлари учун ташкил қилинган ресторандаги зиёфат пулига тўй қилса бўлади. Келинга қилинаётган зеб-зийнатлар, гилам-мебелларни айтмайсизми. Ахир икки-учта қиз узатган киши шунча нарсани қаердан олади. Мана шу каби янгича тўйлар соясидаги бўлмағур исрофгарчиликларга барҳам бериш даркор,— дейишди улар.

Маҳалла тўй комиссияси отахонларнинг ибратли фикрларини ҳисобга олди. Ҳозир қиз узатувчи ва келин туширувчи оилалар билан бу соҳада кенг амалий ва тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

Совет Армияси сафига жўнатиш ва кутиб олиш, ишчи-хизматчиларни пенсияга кузатиш, отахон ва онахонларимизнинг юбилей тўйларини ўтказиш каби тантаналар ихчам равишда ташкил қилинияпти. Ичкилик ўрнига қимиз ва турли хил мева шарбатлари қўйилмоқда. Бу ичимликлар ҳам арзон, ҳам кишилар соғлиғи учун фойдалидир.

Маҳалламизда Наврўз, Ғалаба, 1 Май, Октябрь байрамларини нишонлаш одат тусига кирган. Бу саналарда сермазмун докладлар уюштириш билан бирга, район маданият бўлимининг санъаткорлари ҳамда маҳалламиздаги Герман Титов номли 96-мактаб ҳаваскорлари томонидан концертлар қўйиб берилади. Октябрь революциясининг 61 йиллигига бағишланган йиғилишимизда маҳалламизда истиқомат қилувчи олим, тарих фанлари доктори Ҳабиб Турсунов инқилобнинг олам-шумул аҳамиятлари ҳақида лекция ўқиди. Наврўз байрамида эса Ўзбекистон халқ шоири Акмал Пўлат билан учрашдик. У маҳалламизда баҳорга бағишланган шеърлар туркумини ўқиб берди.

Пенсионерлар уйида ва Қизил чойхонада СССР ва Ўзбекистон ССР Конституцияси моддама-модда ўрганиб борилмоқда. Бу соҳада юридик фанлари доктори К. Комилов олиб бораётган консультация ва суҳбатларнинг аҳамияти катта бўлмоқда. Шунингдек, врачлар, ва бошқа касб эгалари ҳам вақти-вақти билан маҳалламизда меҳмон бўлиб туришади.

Маҳалла комитети янгича анъаналарни кенг кулоч ёйдириш, тўй ва бошқа маросимларни ихчамлаштириш борасидаги фаолиятини бундан кейин ҳам кучайтиради.

А. НАБИХЎЖАЕВ,
Киров район Янгиариқ маҳалла комитети Маданий-оқартув секциясининг бошлиғи, республикада хизмат кўрсатган маданият ходими.

Спорт

ИККИНЧИ ҒАЛАБА

«Известия» газетаси совриги учун ўтказилаётган халқаро турнирда совет хоккейчилари иккинчи ғалабани қўлга киритдилар. Улар Финляндия командаси билан бўлган учрашувда 4:1 ҳисобида устун келишди.

Кеча СССР терма командаси Канада хоккейчилари билан учрашди.

ТОШКЕНТЛИК ФИГУРАЧИЛАРНИНГ КУМУШ МЕДАЛИ

Фигурали учиш спорти республикамизда энг кенжа турлардан бири ҳисобланади. Лекин шундай бўлишига қарамай вакилларимиз бир қатор Бутуниттифоқ мусобақаларида муваффақиятли иштирок этиб келишмоқда. Куни кеча сса Новосибирскда ўтказилган учинчи халқаро турнирда икки вакилимиз кумуш медалга сазовор бўлди. ГФР, Польша, Чехословакия, Руминия ва СССР терма командалари қатнашган бу турнирда иштирок этган вакилларимиз Марина Никитюк билан Рашид Кадиркаевлар жуфт бўлиб учишда иккинчи ўринни олишди ва кумуш медаль эгаси бўлишди.

СОБИҚ ЧЕМПИОН ПЕШҚАДАМ

Тбилисида шахмат бўйича ўтказилаётган мамлакат чемпионатида жаҳоннинг собиқ чемпиони Михаил Таль 8 очко билан пешқадамлик қилмоқда. А. Белявский эса 7 очко (битта ўйини кечиктирилган) тўплади. Лев Полугаевский ҳам 7 очко билан пешқадамлар сафидан ўрин олиб турибди.

БОКСЧИЛАРИМИЗ ЮТУҒИ

Москвада машҳур боксчи Сивко хотира соврини учун анъанавий мусобақалар бўлиб ўтди. Иттифоқнинг турли шаҳарларидан келган 200 дан зиёд «чарм қўлқоп» ҳаваскорлари рингга чиқдилар. Республикамизнинг уч вакили О. Зокиров, Л. Поздеев ҳамда Ш. Князхоновлар турнирда муваффақиятга эришишди. Армиячи О. Зокиров 60 килограммгача, динамочи Л. Поздеев эса 67 килограммгача бўлган боксчилар бахсида биринчи ўринни эгаллашди. Динамочи Ш. Князхонов 57 килограммгача бўлган боксчилар учрашувида учинчи бўлди.

ЗАРБДОР ЙИЛГА — ЗАРБДОР ЯКУН

Тошкент шаҳри қурилиши Бош бошқармасига қарашли 11-«Висотстрой» трести коллективи йил бошидан бери унумли меҳнат қиляпти. Трест бинокорлари пойтахтимизда кино-концерт зали, «Москва» мехмонхонаси, ўрмончилар уйи, транспорт туннели каби қатор объектлар қурилишида графикдан ўзган ҳолда иш олиб боришяпти.

Қурилиш бошқармалари ўртасида беш йилликнинг ўчинчи йили план топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун ўзаро социалистик мусобақа қизғин авж олган. Меҳнат беллашувининг ўтган ойи якунига кўра 1-қурилиш бошқармаси пешқадамлик қилаётир. Бошқарма қурувчилари ўн бир ойлик бош пудрат ишлари топшириғини 113,7 процентга, ўз кучлари билан иш бажариш вазифасини эса 102,9 процентга адо этишди.

Бу муваффақиятга эришилишига П. Сачко, В. Суханов, В. Суховой етакчилик қилаётган бригадаларнинг азаматлари катта ҳисса қўшдилар.

Шунингдек, трестнинг 75, 17-қурилиш бошқармалари ҳам ўтган ойларда яхши меҳнат қилдилар. Шу сабабли ҳам трест ўн бир ойлик бош пудрат ишлари планини 110,1 процентга, ўз кучлари билан иш бажариш топшириғини 106,8 процентга адо этишга эришди.

Н. АБДИЕВ.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

Телевидение

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — «Вақт». 9.40 — Гимнастика. 10.00 — «29-йил баҳори». Бадиий фильм. 11.35 — Киносаёҳатчилар клуби. 12.35 — Янгиликлар. 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильмлар. 15.55 — Фильм-концерт. 16.15—Спортчилар класси. 16.45—«Фан оламида». 17.30 — «Горничилар, қаердасиз?». 18.00 — Социалистик турмуш тарзи ва халқ фаровонлиги. Кўрсатувда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов иштирок этади. 19.00 — Мультфильм. 19.15 «Оламда нима гап?». 19.30 — Концерт. 19.55 — Врач суҳбатлари. 20.25 — «Уй қурилмоқда». Бадиий фильм. 21.30 — «Вақт». 22.05 — «210 қадам» (поэма). 23.00 — Фильм-концерт. 23.35 — Янгиликлар.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

11.30 — Ўқув кўрсатуви. 12.00 — Ҳужжатли фильм. 12.30 — Болалар учун кўрсатув. 18.00 — Москва. Социалистик турмуш тарзи ва халқ фаровонлиги. Кўрсатувда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов иштирок этади. 19.00 — Ҳужжатли фильм. 19.15 — «Ахборот». 19.30 — Бекобод металлургия комбинати. 19.55 — «Инсон болаликдан бошланади». 20.30 — «Ахборот». 20.50 — Ўзбекистон ССР Олий Совети сессиясининг қатнашчилари учун концерт. 21.30 —«Вақт». 22.05 — «Биринчи қалдирғоч». Бадиий фильм. 23.20 — Волейбол. «Автомобилист» — «Локомотив».

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

20.00 — «Қизил альпинистлар». Бадиий фильм. 5-серия. 20.25 — Фильм-концерт. 20.55 — Янгиликлар.

Театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 20/XII да **Корсар**, 21/XII да **Дилором**, 22/XII да **Жизель**.

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 20/XII да **Қалби олов**, 21/XII да **Қароқчилар**, 22/XII да **Ғариблар**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА —21/XII да **Олифта**, 22/XII да **Хотинимнинг эри**.

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — «Ургатилган шерлар» аттракционининг гастроллари.

Тошкент область прокуратураси коллективи аппаратнинг масъул ходими И. Турсунбоевга онаси

Ҳалима ТУРСУНБОЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

АСОРАТИ БИЛАН ОҒИР ДАРД

ШИФОКОР МИНБАРИ

Юқумли касалликлар орасида ўзининг қисқа муддатда кенг тарқалиши, асорат қолдириши ва баъзан оғир ўтиши билан грипп хасталиги алоҳида ажралиб туради. Грипп — французча «гриппер» сўзидан олиниб, ушлаб қолиш, тезда ривожланиш маъносини билдиради.

Бу касаллик қадим замонлардан бери маълум. Хасталикни бир қатор вируслар орқали юзага келиши 1933 йилдаёқ олимлар томонидан исботланган. Ҳозирги вақтда вируснинг А (А, $А_1$ $А_2$) В ва С турлари жонли хужайра сифатида табиатга мослашиш қобилиятига кўра ўзининг касаллик чақириш қобилиятини тез-тез ўзгартириб туради. Бунда вирус таркибидаги оқсил моддаларнинг кимёвий таркиби ўзгаради ва бу грипп касаллигига қарши курашиш усулларини қийинлаштиради.

Грипп хасталиги ҳар фаслда учраб турса ҳам, йилнинг совуқ ва намгарчилик бўладиган ойларида кўпроқ тарқалади. Унинг совуқ ойларда кўпроқ тарқалиши асосан вируслар-нинг паст ҳароратда тез кўпайиши, шу даврда инсон организми шамоллашга мойил бўлишига, одамларнинг иссиқ фасларга нисбатан зич яшашига, ишлаб чиқариш корхоналарида хона, цех ҳароратининг муқобил бўлмаслиги ва бошқа кўп сабабларга боғлиқдир.

Касаллик соғлом одамларга шу хасталикка учраган беморлардан ўтади, соғлом, лекин вирус ташувчи кишилар билан яқин муносабатда бўлиш туфайли юқади. Вирус сўлак заррачалари билан ўталган, сирганда ва бошқа ҳолатларда ташқи ҳавога чиқади.

Вирус баъзан бир неча соатда ёки икки-уч кун мобайнида ривожлана бошлайди. Бунда беморда этнинг жунжикиши, танада, суякларда, мушакларда ва бўғимларда зирқираб оғриш, холсизланиш, лоқайдлик, тана ҳароратининг кўтарилиши, кўнгил айниши, кўз соққаларида, бош ва томоқда оғриқ пайдо бўлиши кузатилади. Тана ҳарорати 38, 39, 40 градусгача кўтарилади. Кўз шох қавати қон томирлари кенгайиб, қовоқ шиллиқ пардалари қизаради. Томоқда гриппга хос майда тошмалар тошади. Хасталикнинг дастлабки кунларида бурундан сув оқиши, қуруқ йўтал, томоқнинг қирғиллиши, уйқусизлик, безовталаниш каби белгилар кўринади.

Хасталик бошқа касалликлар сингари енгил, ўртача ва оғир ўтади. Бу бемор организмининг соғломлигига, ушбу касалликка қарши курашиш қобилиятига, ёшига ва вируснинг бир қанча хусусиятларига боғлиқдир.

Грипп кўпинча бир ёшгача бўлган болаларда, ҳомиладор аёлларда, қарияларда, касалманд одамларда, сурункали спиртли ичувчиларда оғир ва асорат билан кечади.

Касаллик белгилари кўриниши билан врачни уйга чақириб, совуқ ҳавога чиқмасдан ўралиб ётиб, кўп суюқ ва сервитаминли енгил овқатларни истеъмол қилган беморларда грипп тезда асоратсиз ўтиб кетади. Беморлар кўпинча ўзларини эҳтиёт қилмасдан совуқ ҳавода юришлари натижасида асосий касалликка ҳар хил органларнинг яллиғланиши каби асоратлар ҳам қўшилади. Юқори нафас йўллари ва ўпканинг яллиғланиши (ларингит, трахеит, трахеобронхит), бош мия қобиғи ва миянинг яллиғланиши (менингит, энцефамит), қулоқ пардасининг яллиғланиши, буйрак ва сийдик йўлларининг яллиғланиши каби хасталикларни эслатиб ўтиш кифоядир.

Грипп билан оғриган бемор ётган хона ҳавосини тез-тез янгилаб туриш, кроватини парда билан тўсиб қўйиш, турар жойларда, поликлиника ва шифохоналарда хоналарни ҳар куни икки-уч марта 0,5 процентли хлорли. тинитилган оҳак суви ёки 2 процентли хлорамин эритмаси билан ювиб, шамоллатиш керак. Беморга врач чақирилиб, даволаниш чораларини кўриш, шифохонага ётқизиш лозим бўлса, албатта кечиктирмаслик керак. Гриппдан сақланиш учун шу хасталикка қарши эмланиш даркор.

И. ХАЛИЛОВ,
медицина фанлари кандидати.

БИЗНИНГ АДРЕС 700000, ГСП, Тошкент, ЛЕНИН проспекти, 41

Редактор ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916, 325748; масъул секретарь 334808, 325353; секретариат — 325750 БЎЛИМЛАР: оммавий ишлар ва хатлар — 334048; партия турмуши — 325778; пропаганда — 325645; саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325749; қишлоқ хўжалиги — 325647; маданият — 325558; адабиёт ва санъат — 325767; совет қурилиши — 325553; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 325733; рассом — 325645; фотомухбир — 325894.

Р. 02971. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. Д—2548.